БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 181 (16.567). | 4 август 1976 йил, чоршанба | Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети «Мамлакатда телефон алоқасини ривожлантиришни жадаллаштириш чоралари тўғрисида»ги масаланн қараб чиқди

Қабул қилинган қарорда айтиладики, СССР Алоқа министрлиги, иттифоқдош республикаларнинг алоқа министрликлари ва уларнинг территориал бошқармалари маҳаллий партия органлари раҳбарлигида телефон станцияларининг ҳажмини 1,5 баравар кенгайтиришни кўзда тутган тўққизинчи беш йиллик топшириқларини бажардилар. Бироқ телефон алоқасининг ривожлантирилиши аҳоли ва халқ хўжалигининг муттасил ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларидан ҳали ҳамон орқада қолмоқда. Баъзи шаҳарларда янги уйжой қурилиши телефон тармоқларини қуриш муддатлари ва ҳажмлари билан тегишли суратда боғламай олиб борилмоқда. Бунинг натижасида айрим аҳоли яшайдиган районлар узоқ вақт давомида зарур телефон воситаларисиз қолиб кетмоқда. Район марказларини ва ишчиларнинг поселкаларини телефонлаштириш суст амалга оширилмоқда.

Аҳолининг ва халқ хўжалигининг телефон алоқаси воситаларига бўлган талабини тўлароқ қондириш мақсадида КПСС Марказий Комитети шаҳарларда, район марказларида ва ишчиларнинг поселкаларида телефон алоқасини ривожлантиришни жадаллаштириш борасида СССР Госпланн билан СССР Алоқа министрлиги ишлаб чиққан қўшимча тадбирларни маъқуллади.

КПСС Марказий Комитети иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари зиммасига алоқа корхоналари партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларини телефон тармоқларини янада ривожлантириш, энг янги техниканн жорий этиш ҳамда алоқанинг барча воситалари билан аҳолига хизмат кўрсатишни анча яхшилаш юзасидан белгиланаётган топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратиш мажбуриятини юклади.

ЁШЛАР — БУНЁДКОРЛАР

Бепоён мамлакатимиздаги, шу жумладан, республикамиздаги йирик зарбдор қурилишлар бунёдкор ва ижодкор студент-ёшларни ўз бағрига чорламоқда. Ёзги учинчи «меҳнат семестри» бошланди. Аудиторияни меҳнат майдонига алмаштирган ёш зарбдорлар қурилишларда ҳақиқий ҳаёт дорилфунунидан ўтадилар. Бўлажак мутахассислар илғорлар, ишлаб чиқариш новаторлари билан ёнма-ён ишлаб, улардан профессионал маҳоратни ўрганадилар, ишга ижодий ёндашиш кўникмаларини ҳосил қиладилар. Энг муҳими, қурилиш отряди зарбдорлари самарадорлик ва сифат беш йиллиги — учинчи беш йилликнинг биринчи йили ютуқларига ўзларининг муносиб улушларини қўшадилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев шундай деган эди: «Студентларнинг бинокорлик отрядларида иштирок этиши туфайли ёшларнинг қалбида пайдо бўлган нуртаклар яхши самаралар бермоқда.

Студентнинг жамоат ҳаётида иштирок этиши — мустақилликка шунчаки тақлид қилиш эмас, балки йигит ёки қизга катта наф берадиган, масъулият ҳиссини оширадиган, жамият таҳсинига сазовор қиладиган амалий, ғоят фойдали фаолият эканлигини ана шу отрядларнинг иши яна бир марта исботлайди».

Ҳақиқатан ҳам қалби бунёдкорлик ишлари билан тўлиб-тошган студентлар Тахиатош ва Туямўйин гидроузелларини, Андижон ва Чорвоқ сув омборларини, Енисейда энергетика гигантини, Кама ва Волжск автомобиль заводларини, Гагарин шаҳрини, юзлаб бошқа халқ хўжалиги объектларини қуришда фаол қатнашиб, меҳнаткашларнинг меҳр-муҳаббати ва чексиз ҳурмат-иззатига сазовор бўлмоқдалар. Дарвоқе, студентларнинг оммавий ватанпарварлик ҳаракати вужудга келгачидан буён ўтган давр мобайнида совет ёшларининг етакчиси — Ленин комсомолининг шонли ишлари йилномасида ёрқин саҳифалар кўпайиб бормоқда. Капитал қурилиш планларини бажаришда иштирок этиш бундан буён ҳам комсомолга, барча совет студент-ёшларига партия берган энг шарафли ва масъулиятли топшириқ бўлиб қолаверади.

Республикамизнинг барча областларида студентларнинг намолот мактаби бўлмиш қурилиш отрядлари ўз фаолиятини бошлаб юборди. Шунисн қувонарлики, учинчи «меҳнат семестри» ҳаракатида қатнашувчи ёшлар сони йилдан-йилга ортаётир. Агар бундан ўн икки йил аввал биринчи отряд сафида атиги 1500 нафар йигит ва қиз фидокорлик кўрсатган бўлса, бу йил эса мамлакатимиз ва республикамиз қурилишларида 26800 нафар зарбдор иштирок этмоқда.

Кўнгиллиларнинг катта бир группаси Байкал—Амур магистрали қурилишида жонбозлик кўрсатмоқда. Серқуёш ўлкамизнинг сакниз юз вакили РСФСРнинг ноқоратупроқ зонасида кенг кўламда қурилиш ишлари олиб бормоқда. Учинчи «меҳнат семестри»нинг йигирма бир минг кишилик қатнашчиси республикамиз зарбдор комсомол қурилишларида, сув хўжаликларида меҳнат қилаётирлар. Уч мингга яқин студент Газли аҳолисига энгилда оқибатларини тугатишда ёрдам бермоқда. Бу йилги мавсумда 1975 йилги республика студент-қурилиш отрядларининг социалистик мусобақасида ғолиб чиққан Тошкент политехника институти, Сирдарё қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми, Қаршидаги 33-ўрта ҳунартехнина билим юрти студент-қурилиш отрядлари иш тажрибасини кенг ёйишга алоҳида эътибор бериш керак.

Ҳозир совет кишиларининг бутун диққат-эътибори КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга оширишга қаратилган. Ижодкор ва меҳнатсевар халқимиз билан биргаликда студент-ёшлар ҳам съезд белгилаб берган СССР халқ хўжалигини ривожлантириш, халқнинг моддий фаровонлигини янада ошириш ва маданий савиясини кўтариш вазифаларини бажаришда фаол қатнашаётганликлари қувонарлидир. Шунга эришиш керакки, учинчи «меҳнат семестри» ижодкорлик ва новаторлик, катта ғоявий-тарбиявий, ижтимоий-сиёсий ишларни амалга ошириш, ташкилотчилик ва тарғиботчилик маҳоратини кўтариш мактаби бўлиб қолсин.

Энг муҳими, ҳар бир студентнинг қурилиш отрядининг чинакам зарбдори бўлишига эришмоқ лозим. Чунки студент қурилиш отрядлари — бу фақат қурилиш майдонигина эмас. Бўлажак педагогнинг қурилиш майдони мактаб, болалар боғчаларидаги тарбиявий ишлар, шифокор-студентнинг фаолият майдони эса олис қишлоқлардаги касалхоналар бўлмоғи керак. Қурилиш отрядларида ҳар бир студентнинг ўз ўрни бўлмоғи зарур.

Бироқ студент-қурилиш отрядлари фаолиятини янада яхшилаш учун бир қатор муаммоларни ҳал этиш лозим. Отрядларда меҳнат интизомининг бузилиши, иш вақтида бекор туриш ва бунинг натижасида шартномадаги мажбуриятларнинг бажарилмай қолиши билан асло келишиб бўлмайди. Баъзи олий ўқув юртлари раҳбарлари ва комсомол комитетлари студент-қурилиш отрядлари моҳиятига ҳали ҳам чуқур тушуниб етмаётирлар. Отрядларни тузишда студент-қурилиш отрядининг асосий принципини — ихтиёрийликни бузиб, маъмуриятчиликка берилаётганликлари ташвишли бир ҳолдир. Ваҳоланки, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг яқинда қабул қилган «Студент отрядларининг ёзги ишларини ташкил этишни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида: «Студентларнинг отрядларн медицина жиҳатидан ишнинг шу тури учун яроқли деб топилган, дарслардан улгураётган студентлар орасидан ихтиёрийлик принципи асосида ташкил этилади», — дейилади.

Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, айрим область ва шаҳар штаблари пухта ўйлаб тузилган планларга эга бўлмаганликлари, студент-қурилиш отрядлари фаолияти қониқарсиз назорат қилинганлиги сабабли баъзи отрядларнинг ишида шошма-шошарлик рўй берди. Бунинг учун республика штаби қурилиш отрядлари раҳбарларини танлаш ва уларни жой-жойига қўйишга жиддий эътибор бериши керак.

Маълумки, зиммага олинган мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишида республика олий ва ўрта махсус таълим, соғлиқни сақлаш, савдо, қурилиш министрликларининг, олий мактаблар, техникумлар раҳбарлари ва партия, комсомол, касаба союз ташкилотларининг доимий ғамхўрлиги ва амалий ёрдами муҳим роль ўйнайди.

Студентларнинг «меҳнат семестри» олий мактаб, техникум ва билим юртлари ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Бу меҳнат имтиҳони КПСС XXV съезди томонидан совет олий ва ўрта махсус таълими олдига қўйилган муҳим вазифаларни бажариш учун катта имкониятлар яратиб беради.

АВГУСТ — ҲОСИЛ ТЎПЛАШ ОЙИ

ПАРВАРИШ — ҲОСИЛ ТЕРИМГАЧА

Ғўза парваришининг энг муҳим палласи бошланди. Ҳозирги кунда барча майдонлардаги ғўзаларни шода-шода кўсаклай бошлади. Бундай пайтда ҳар бир дақиқа пахтакор-деҳқон учун қадрли ва муҳим саналади. Чунки ғўза парваришида бирон кун ва бирон соатни ҳам қўлдан бой бериб қўймаслик керак. Акс ҳолда ғўза гул ташлаб юбориши, ривожланишдан қолиши, кўсаклар етилмай қолиши мумкин. Ғўзанинг амал қиладиган пайтида агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга оширган пахтакор, механизатор ютади. Буни калбдан ҳис этган Чироқчи районидаги йирик пахтакор хўжалик — Файзулла Хўжаев номли совхоз деҳқонлари саратоннинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, далаларда ғўза парваришини кун сайин қизитяптилар.

Пахтакорлар ҳозиргача барча майдонлардаги ғўзаларни беш марта ишловдан чиқардилар, 4 марта озиқлантирдилар, 2 марта меъёрида суғордилар. Ғўза қатор ораларига минерал ўғитларнинг йиллик нормаси бериб бўлинди. Лекин маҳаллий ўғит солиш қизғин давом эттириляпти. Маҳаллий ўғит ғўза қатор ораларига асосан «шарбат» қилиб оқизиляпти. Совхознинг барча пахтачилик бригадаларида «шарбат» ўргатилган ва ишга солинган. Хўжаликда маҳаллий ўғит жамғарадиган тўртта ихтисослаштирилган бригада ишлаб турибди.

Совхознинг барча бригадаларида ғўзани чеканка қилиш давом этяпти. Пахтакорлар чеканкани қисқа муддатларда ўтказиш учун курашмоқдалар.

Совхоз пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилида 2120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» ҳосили кўтариш мақсадида меҳнат қиляптилар. Совхознинг Майли Бердимуродов, Раҳим Абдураҳимов, Қаноат Худойбердиев, Озод Қурбонов, Тўхли Узоқов, Сайдулла Каримов, Салим Бўриев, Пирмат Диёров ўртоқлар бошқараётган илғор бригадалар ҳосилдорликни 45-50 центнерга етказишга аҳд қилганлар.

Ҳосил тақдири — сувчи билан механизаторнинг қўлида. Бу икки мутахассислик бўйича меҳнат қилаётган кишиларга барча шароитлар яратиб берилаётир. Механизаторлар культивация ўтказишни, жўяк олишни ўз вақтида сифатли амалга оширмоқдалар. Сувчилар эса ғўзаларни «шарбат»га қондиряптилар. Суғориш билан культивация ўртасида узилишга йўл қўйилмаётир.

Ғўза парваришида бошланган социалистик мусобақа кун сайин қизитиляпти. Бу мусобақада Имом Ҳайдаровлов, Абди Шамонов, Норқора Қурбонов, Ҳақназар Маматов, Шодиёр Файзиев, Қулмирза Хўжанэв каби моҳир механизаторлар, Эшмўмин Ашуров, Рўзиқул Суяров, Боймурод Каримов, Нурулла Усмонов, Хушвақт Элмуродов, Некмат Ашуров, Қодир Элмонов, Шодиёр Қурбонов каби миришкор сувчилар пешқадамлик қиляптилар. Уларнинг ғайрат-шижоати туфайли барча майдонлардаги ғўзалар барқ уриб ўсяпти, далаларда зиммага олинган социалистик мажбуриятга яраша ҳосил тўпланмоқда.

Совхоз деҳқонлари ғўза парваришини пахта терими бошлангунга қадар давом эттириш, ҳосилнинг 80 процентини машиналар билан саранжомлаб олиш тараддудини қиляптилар.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МАШИНА ЁРДАМИДА

Марказий Фарғонанинг Қизилтепа массивига жойлашган Алишер Навоий номли совхознинг ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин қисқа муддат ичида техника шарофати, деҳқон маҳорати туфайли у юқори ҳосилли хўжаликка айланди. Натижада, экономикаси мустаҳкамланди, меҳнаткашларнинг турмуш шароити яхшиланди.

— Съездлар йилида аҳдимиз катта, — дейди совхоз директори Ўктамжон Собиров. — Чўл ерларидан олинадиган ҳосилни гектар бошига 30 центнерга етказамиз. Бунинг учун ҳозиргача ўнлаб майдон ажратилди. Далаларда 15 та чеканка агрегатлари ишлаб турибди. Ҳозиргача 500 гектардан ортиқ ердаги ғўза сифатли чеканкадан чиқарилди.

Н. РАУФЖОНОВ,
Риштон райони.

Бир беш йилликда икки беш йилликни бажарамиз

БИНОКОР — АҲДИГА ВАФОДОР

ТАШАББУСКОРЛАР МИНБАРИ

— ЗИММАНГИЗГА ОЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАР ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИНИ СЎЗЛАБ БЕРСАНГИЗ.

Мухбиримизнинг бу саволига «Ўнлар ташаббуси»нн бошловчилардан бири —Чирчиқдаги «Промтехмонтаж» бошқармаси монтажчи слесари М. ОВСЯННИКОВ жавоб беради. Еттинчи сўз — Михаил Митрофановичга.

— Қурилиш ишларида қатнашувчи барча кишиларнинг асосий вазифаси,— деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев, —капитал маблағларнинг самарадорлигини ошириш, қурилишнинг сифатини яхшилаш ва қийматини камайтириш. резервлардан тўлиқ фойдаланиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ишга тушириш ва уларни ўзлаштириш муддатларини қисқартириш учун қўлт билан қураш олиб боришдан иборат бўлиши лозим.

Жонажон партиямиз Марказий Комитети Бош секретарининг бу кўрсатмаларини республикамиз бинокорлари, жумладан, бригадамиз аъзолари дастуруламал сифатида қабул қилдилар. Улар партиянинг «Экономикани ва халқ фаровонлигини янада ўстириш йўлида ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифати оширилсин» деган даъватига жавобан йил бошида зиммаларига оширилган шахсий мажбуриятлар қабул қилишди. Менинг ўзим эса бир беш йилликда икки беш йиллик нормасини адо этишга сўз бердим. Мана, орадан етти ой ҳам ўтди. Бажарилган ишларни бирмунча сарҳисоб қилиш, тўпланган тажрибаларни умумлаштириш ва хатолардан тегишли хулоса чиқариш учун етарли муддат. Мисолларга мурожаат қилайлик.

Биз ўнинчи беш йилликни «Электрохимпром» бирлашмасида аммиак селитраси ишлаб чиқарадиган янги қувватларни тиклаш билан бошладик. Ҳозиргача эришган иш натижаларимиздан кўнглимиз тўқ. На буюртмачилардан, на бошқа ташкилотлардан ишимиз сифатига доир шикоят олмадик. Объектни муддатидан 10-15 кун барвақт топшириш ниятимиз бор. Ўзимга келсак шуни айтишим мумкин: 3 июнда 1976 йил учун мўлжалланган шахсий топшириқларимни адо этдим. 27 минг сўмликдан зиёд монтаж ишларини бажардим. Шу йил 28 декабрда 1978 йил план-топшириқларини бажаришга киришишни мўлжаллаяпман.

Муваффақиятингнинг сири нимада, дерсиз? Мен стахановчасига ишлашга, илғор тажриба ва янги технологияларини жорий қилишга, шу йўл билан меҳнат унумдорлигини 35-40 процент оширишга интилмоқдаман. Интилишим зое кетаётгани йўқ. От каби учқур вақтдан ўзиб меҳнат қилишга, кислород, пропан, электрод, металл қувур ва метизни тежаб қолиш учун бошлаган юришимиз яхши натижалар бермоқда. Энг муҳими, хўжалик ҳисобидаги бригада усулида ишлаётганимиз катта роль ўйнаяпти. Чунки, бригада пудрати битказилмаган қурилишларга маблағ, моддий-техника ресурслари ва ишчи кучи ресурсларининг сочиб юборилишига қарши курашнинг таъсирчан воситасидир. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ва меҳнат унумдорлигини юксак даражага кўтариш бригада пудрати усулидаги хўжалик ҳисобининг ўзига хос хусусияти экан.



Шу йил январь ойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлган қабулда беш йил мобайнида 272 тонна металл конструкцияларни, 492 тонна ускуналарни, 17 минг 240 метр қувурларни монтаж қилишга, ёш ўн ишчига ўз касбимни ўргатишга ваъда берган эдим. Бинокор аҳдига вафодор киши бўлади. Сўзимнинг устидан, албатта ,чиқаман.

ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ КЕНГАШИ

Тошкент область партия комитети 3 август куни район ва шаҳар партия комитетлари ходимларининг кенгашини ўтказди. Кенгашда КПСС Марказий Комитетида ўтказилган идеология ходимлари кенгашининг якунлари ва КПСС XXV съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш соҳасида партия комитетларининг вазифалари тўғрисида область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаевнинг доклади тингланди. Кенгаш қатнашчилари КПСС XXV съезди материалларини ўрганишни ва ғоявий-тарбиявий ишни уюштириш тажрибасини ўртоқлашдилар. (ЎзТАГ).

* * *

Қашқадарё область партия комитети ўтказган кенгашда идеология ходимларининг вазифалари муҳокама қилинди. Кенгаш иштирокчилари КПСС XXV съезди қарорларини пропаганда қилишга, партиявий ўқишни такомиллаштириш, унинг назарий савиясини ошириш ва коммунистик қурилиш практикаси билан боғланишини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор бердилар. Кенгашда область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Ғойибов нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШНИНГ ҚУДРАТЛИ ОМИЛИ

Л. И. Брежневнинг «Правда» газетаси мухбири саволларига берган жавобларига бир йил муқаддам Хельсинкида эришилган натижалар узоқ умр кўриши муқаррарлиги ва ҳеч ким уни қақшатишга, заифлаштиришга муваффақ бўла олмаслиги шубҳасиз эканлигини айтди.

БУДАПЕШТ. Венгрия Халқ Республикаси давлат мажлиси ташқи сиёсий комиссиясининг аъзоси И. Дарваши бундай деди: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари «Правда» газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида ҳозирги халқаро вазиятга доир асосий ва муҳим масалаларни ўртага қўйди. Ўртоқ Л. И. Брежнев Европада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш истиқболларига зўр умидворлик билан баҳо берди. Бу баҳо бутун жаҳондаги яхши ниятли кишиларга янги умид бахш этади, Хельсинкида қабул қилинган қарорларни оғишмай амалга ошириш учун омил бўлиб хизмат қилади. Л. И. Брежневнинг ғарбдаги баъзи давлатлар Италия ҳукуматини тузиш жараёнига аралашаётганлиги ҳақида берган жавоби ҳам, деди И. Дарваши, бутун жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Соф виждонли кишиларнинг ҳаммаси бундай аралашув Хельсинкида қабул қилинган Якунловчи актга тамомила зид эканлигини тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари айтган фикрга албатта қўшилади.

ЛИССАБОН. Португалиянинг таниқли жамоат арбоби, тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун курашувчи Португалия кенгаши раҳбарларининг аъзоси Силас Серкейра бундай деди: Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг, ер курасидаги барча яхши ниятли кишиларнинг зўр ғайрати туфайли Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашни ўтказиш мумкин бўлди.

Кенгашнинг қарорлари барча мамлакатлар ва халқларнинг туб манфаатларига мувофиқдир. Кенгашнинг тажрибасидан Осиёда коллектив хавфсизлик ва ҳамкорлик системасини вужудга келтириш учун, Яқин Шарқ проблемасини Фаластин халқининг қонуний ҳуқуқларини ҳисобга олиб ҳал этиш учун, Африкадаги ирқчи режимларни тугатиш учун фойдаланиш мумкин ва лозим.

НЬЮ-ЙОРК. Америка Компартиясининг органи «Дейли уорлд» газетаси қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: Л. И. Брежнев Хельсинкида тарихий қарорлар қабул қилинганидан кейин Европада ҳам, бутун дунёда ҳам рўй берган ўзгаришларни зўр умидворлик билан таърифлаб берди. Совет раҳбари ишонч билдириб айтдики, деб ёзади газета, хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш туфайли Европа шу пайтгача бўлганига нисбатан анча салмоқли поғонага янада баланд кўтарилди. Европа энг муҳим халқаро проблемаларни ҳал этиш йўлларини янада қатъият билан яхшироқ қидиришни, кескинликни юмшатиш, давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ва халқлар ўртасидаги тинчликни чуқурлаштириш манфаатлари йўлида янада кўпроқ амалий самарадорлик билан ишлашни ўрганди. Газета Л. И. Брежневнинг жавобларини халқлар тинчлиги, мустақиллиги ва озодлиги буюк ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш йўлида жипслашиб, янада кўпроқ ғайрат сарф қилиш ҳақида коммунистик ва ишчи партияларга, миллий озодлик ҳаракатларига, барча тинчликсевар кучларга қилинган даъват, деб ҳисоблайди.

(ТАСС).

КАРТОГРАФИЯНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Москвада VIII халқаро картография конференцияси очилди. ТАСС мухбири ташкилот комитетининг илмий секретари А. В. Постниковга учраб, шу конференция тўғрисида гапириб беришни илтимос қилди.

СССРда бундай конференция биринчи марта — халқаро картография уюшмаси доирасида ўтказилмоқда. Совет Иттифоқи ҳам аъзо бўлган бу ташкилот бултур ўзининг ўн йиллигини нишонлади. Унинг асосий вазифаси картография соҳасидаги илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириб туришдан, шу соҳадаги билимларни ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат.

Конференцияда 120 дан ортиқ доклад тингланади. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш хусусидаги ҳамкорликни ва халқлар ўртасидаги тинчликни чуқурлаштириш манфаатлари йўлида янада кўпроқ амалий самарадорлик билан ишлашни ўрганди. Газета Л. И. Брежневнинг жавобларини халқлар тинчлиги, мустақиллиги ва озодлиги буюк ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш йўлида жипслашиб, янада кўпроқ ғайрат сарф қилиш ҳақида коммунистик ва ишчи партияларга, миллий озодлик ҳаракатларига, барча тинчликсевар кучларга қилинган даъват, деб ҳисоблайди.

(ТАСС).

Космос ва Ер ҳақидаги фанлар — геология, геодезия, геофизика, океанология, картография ва бошқалар — ҳозирги вақтда ривожланишнинг янги босқичига кўтарилмоқда. Бу фанларнинг ҳаммаси ҳам ер шарининг ҳозирги ва келажакдаги ҳолатини ўрганишга қаратилган. Ер ҳақидаги фанларнинг ривожланиши ер шарининг табиий ресурсларини ўрганишга, ер шарининг ҳозирги ва келажакдаги ҳолатини ўрганишга қаратилган.

Бизнинг мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш хариталарини тузиш билан Украина олимлари шуғулланмоқдалар.

Бундай хариталар саноатнинг оқава сувларини аввало қаерларда қисқартириш, атмосферага заҳарли газларни чиқаришни тўхтатиш зарурлигини кўрсатади. Бутун дунё миқёсидаги комплекс тадбирларни ҳам планлаштириш мумкин.

Олисдан суратга олиш ёрдамида, яъни йўлдошлар иштирокида хариталар тузиш яна бир муҳим проблемадир. Бунда ердан ташқари ойнинг, марснинг ҳам харитасини тузиш мумкин.

Космик метод кўпгина табиий объектларни ўрганиш имконини беради. Масалан, геологик хариталарни тузиш вақтида ердаги катта-катта ёриқларни кўриш, руда конларини аниқлаш имконияти туғилади. Космосдан берилган фото ахборот асосида картография геологик жараёнларнинг моделларини яратиш, унинг табиий қонуниятларини ўрганиш, бу жараёнларнинг ривожини тахмин қилиш имконини берадиган янги соҳани ривожлантирмоқда.

VIII халқаро картография конференцияси кўпгина мамлакатларнинг олимлари ўртасидаги амалий ҳамкорликни мустаҳкамлайди, жаҳон ва совет картографиясини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Республика областларида сабзавот, картошка, мева ҳамда полиз маҳсулотлари тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 2 августга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — сабзавот; учинчи устун — картошка; тўртинчи устун — мева; бешинчи устун — полиз маҳсулотлари.

Сурхондарё	74,0	90,9	37,7	46,8
Андижон	53,1	13,6	64,1	6,0
Фарғона	53,0	17,3	48,4	28,3
Бухоро	43,5	—	28,9	21,9
Тошкент	37,9	44,0	93,8	16,2
Жиззах	36,0	33,8	112,0	1,2
Наманган	32,0	19,7	43,6	6,4
Қашқадарё	25,3	137,6	65,2	22,2
Хоразм	22,6	0,8	87,5	2,1
ҚҚАССР	22,3	0,1	46,2	1,2
Самарқанд	21,8	19,2	57,5	1,8
Сирдарё	20,6	40,0	94,0	1,5
Республика бўйича:	**37,6**	**36,3**	**67,2**	**9,9**







ТОШКЕНТ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

Республикамиз пойтахтидаги ишчи коллективлари меҳнаткашлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилаш учун социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар. Унда «Унлар ташаббуси»га қўшилиб, бир беш йилликда икки беш йиллик нормасини бажариш мажбуриятини олган меҳнат илғорлари пешқадамлик қилишяпти. Суратларда: (чапдан) «Ташкенткабель» заводининг ветерани, коммунистик меҳнат зарбдори А. Орипов. «Ўз касбининг моҳир устаси» номини олган бу ишчи шу кунларда 1977 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Унгда юқоридан: «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмасининг моҳир тикувчилар Ш. Мўминова ва М. Илюшина.

И. Глауберзон ва А. Тўраев фотолари.

Н. ЧАУШЕСКУ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА КЕЛДИ

КИШИНЕВ, 2 август. (ТАСС). Румыния Коммунистик партиясининг Бош секретари, РСР Президенти Николае Чаушеску КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан дам олиш учун Совет Иттифоқига келди.

Н. Чаушеску рафиқаси Елена Чаушеску билан бирга Молдавия Совет Социалистик Республикасига борди. Румыния Компартияси Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, Румыния Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ш. Андрей улар билан бирга бўлди.

Бугун Молдавия Компартияси Марказий Комитетида Н. Чаушеску билан республика раҳбарлари ўртасида суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. Бодюл меҳмонларга молдаван халқи коммунистик қурилишда эришган муваффақиятлари тўғрисида, КПСС XXV съезди қарорларини бажариш соҳасидаги ишларнинг ташкил этилиши ҳақида гапириб берди. Руминиялик меҳмонлар Котовскийдаги агросаноат бирлашмасини, Кишиневдаги «Микропровод» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонасини, республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар.

Н. Чаушеску Молдавия ССР экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг фаровонлик даражасини юксалтиришда республика эришган катта муваффақиятлардан мамнун эканлигини билдирди. У румин ва совет халқларининг ҳамкорлигини ва ҳар томонлама дўстона муносабатларини янада ривожлантириш лозимлигини айтди.

Венгриялик меҳмонлар

Венгрия Социалистик ишчи партияси раҳбар ходимлари делегацияси уч кун мобайнида Ўзбекистон ҳаёти билан танишди. Меҳмонлар Тошкентда В. И. Ленин номли марказий музейнинг филиалини, Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини, «Ташсельмаш» заводини бориб кўрдилар, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Улар Самарқандга, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозига бордилар.

3 август куни Венгрия Социалистик ишчи партияси раҳбар ходимлари делегацияси Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ—БЕШ ЙИЛЛИК ҚАНОТИ

РЕКОНСТРУКЦИЯ ШАРОФАТИ

Партиямиз ўнинчи беш йилликда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг барча соҳаларида ишлаб чиқаришни интенсивлашни асосий йўл деб белгилади. КПСС XXV съездида моддий ва молиявий ресурсларни аввало ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш, озроқ капитал чиқим қилиб, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш мумкин бўлган соҳаларга сарфлаш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунинг учун бухоролик саноатчилар мавжуд қувватлардан унумли фойдаланиш тадбирларини кўрмоқдалар. Жумладан, Тельман номли трикотаж фабрикасида янги бўяш-пардозлаш цехи жадаллик билан қуриляпти. Цех йилига 1300 тонна ип бўяш қувватига эга бўлади. Унинг қурилишига сарфланаётган капитал маблағ катта эмас. Фабриканинг омилкор ишчиларидан ажратилган махсус бригада ускуналар монтажига киришди. Слесарь Шариф Жалилов, электр пайвандловчи Умар Шомуродов, электр механик Умар Рафиқбоев барча ишларни пухта бажармоқда. Ҳозиргача улар 50 дан ортиқ машинани ўрнатиб бўлдилар.

— Бу машиналар Москва, Псков ва бошқа саноат марказларидан келтирилган, — дейди биз билан суҳбатда фабрика директори И. Фозилов. — Илгариги пардозлаш-бўяш цехида ип атиги бир неча рангда бўяларди. Эскириб қолган ускуналарда тўқиладиган трикотаж яхши силлиқланмас эди. Реконструкция шарофати билан ранг-баранг маҳсулотлар ишлаб чиқарамиз. Янги машиналар газмолни бир текис силлиқлаб, бежирим кийим-кечак тикишга имкон беради.

Дарҳақиқат, фабрикани реконструкциялаш ҳам сифат, ҳам самарадорликни оширади. Бу ерда тайёрланаётган болалар камзули беш қиррали тамға билан чиқарилмоқда. Янги цех ишга тушгач, фабрикада давлат Сифат белгиси билан чиқадиган маҳсулот турлари янада кўпаяди. Реконструкция, шунингдек маҳсулот ҳажмини оширишга ҳам баракали таъсир кўрсатади. Ўтган беш йилликда корхонада меҳнат унумдорлиги қарийб 50 процент ошган бўлса, бу йил янги техника туфайли мазкур кўрсаткич 14 процент юксалади.

Шаҳардаги пойафзал фабрикасида амалга оширилаётган реконструкциялаш ишлари аҳолининг дидига ярашa маҳсулот тайёрлашга ёрдам беради. Корхонада узоқ йиллардан буён эскирган моделдаги пойафзаллар тикиларди. Бундай аҳволнинг боиси мавжуд қувватларнинг ҳозирги замон талабига жавоб бермаслиги эди.

Айни пайтда корхонада реконструкция ишлари авж олдириб юборилди. Яна бир неча ойдан сўнг пойафзалчилар янги, ёруғ ва шинам бинога кўчиб ўтадилар. Бу ерда тўртта эски конвейер ўрнига саккизта линия ишлайди. Ўрнатилган кондиционер ускуналар цехларда мўътадил иқлим шароитини таъминлайди. Янги машиналар истеъмолчиларнинг дидига мос турли хилдаги пойафзал тикишга шарт-шароит яратади.

— Коллективимиз аъзолари янги бинога кўчишга ҳозирлик кўрмоқдалар, — дейди фабрика директори Н. Ҳусаинов. — Аммо ҳозиргача ўрнатиладиган 174 машинадан 60 таси етиб келган холос. Бунга ўзимиз айбдор. Фабрика қурилиши бунчалик тез битишини кутмагандик. Шунинг учун керакли ускуналарга талабнома жўнатилмаганди. Республика Енгил саноат министрлиги бу машиналарни бизга тезлик билан етказиб беришга кўмаклашса, шу йил охиригача янги бинода ишга киришамиз.

Когон ёғ-экстракция заводининг яна бир цехи шу йил янги бинога кўчади. Корхонада йилига 60 тонна чигитдан ўсимлик мойи тайёрлайдиган цех барпо қилиняпти. Цехда барча жараёнлар такомиллаштирилади. Янгича усул тинитилган мой ишлаб чиқаришга имкон беради. Ҳозир цех қурилиши жадаллик билан давом этмоқда. Ажратилган капитал маблағларнинг қарийб ярми ўзлаштирилди. Қисқа муддат ичида пойдевор ётқизиб бўлинди. Бу эса айни бир пайтда ҳам ускуналар монтажига киришиш, ҳам бино деворларини кўтариш ишларини олиб бориш имкониятини туғдирди. Қурувчи ва монтажчилар цехни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун якдиллик билан меҳнат қилишяпти.

Бу учала корхонада реконструкция ишларини 163-қурилиш трести 987-бошқармасининг бунёдкорлари бажармоқдалар. Бошқарма кейинги йилларда реконструкция ишларини олиб боришга ихтисослаштирилмоқда. Ўтган тўрт ойда қурувчилар 1 миллион 756 минг сўмлик иш бажардилар. Бу, пландагидан 200 минг сўм кўпдир. Тўрт ойда қурилиш ишлари таннархи 52 минг сўмга арзонлаштирилди.

Мавжуд механизмлар қувватидан унумли фойдаланиш, бинокорлик материалларини тежаш, объектларда ишни тўғри ташкил қилиш реконструкциялаш муваффақиятини таъминламоқда. Бу ерда илғор технологияни кенг жорий этишга катта аҳамият берилапти.

Қурувчи-монтажчилар трикотаж ва пойафзал фабрикалари бўйича реконструкциялашни муддатидан уч ой илгари тугатиш учун курашмоқдалар. Ёғ-экстракция заводида ҳам иш суръати ортмоқда.

Қурувчилар ўртасида КПСС XXV съезди тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун социалистик мусобақа авж оляпти. Партия XXV съезди делегати Ҳасан Атоев бошлиқ комплекс ғишт терувчилар бригадаси беш йилликнинг дастлабки йили топшириқларини бажариш арафасида. Владимир Зубарев бошлиқ монтажчилар, Файзулла Шамсуддинов ва Александр Семёнов бошлиқ бетончилар бригадалари ҳам қурилиш ишларида юксак сифат ва самарадорликка эришмоқдалар. Бундай азаматларнинг мардонавор меҳнати барча реконструкция ишларини муддатидан илгари ва сифатли бажаришга кафолат беради.

Корхоналарнинг меҳнаткашлари қурувчи ва монтажчилар билан ҳамкорликда корхоналарни кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, ускуналардан самарали фойдаланиш учун социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтармоқдалар.

Н. НАИМОВ,
Тошкент олий партия мактабининг тингловчиси.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

ТЕРМИЗ. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали). Сурхон воҳасининг бинокорлари Геннадий Сергеевич Шукшинни қурувчилар сарнори деб бежиз айтишмайди. У — машҳур бинокор Николай Злобиннинг бригада пудрат усулини областда биринчи бўлиб қурилишга жорий этиб, хўжалик ҳисобида ишлашнинг афзаллигини амалда кўрсатиб берган кишилардан бири.

Яқинда Г. Шукшин ва унинг мусобақадоши В. Морар бошлиқ бригада қурувчилари 11-қишлоқ қурилиши трестида биринчи бўлиб йиллик планларини барвақт адо этдилар. Ўтган олти ой ичида 1477 квадрат метр ҳажмдаги ўнта уй-жой биноси фойдаланишга топширилди. Ҳар икки коллективда ҳам бир кишининг бажарган иш ҳажми ярим йилда 15 минг сўмдан ошди. Бу, трестнинг ўртача кўрсаткичидан уч баравар ортиқдир.

Қурувчилар ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили ҳисобига иш бошлашди.

А. ХАЛИЛОВ.

«МИНГЛАР ШАРТНОМАСИ»ГА МУВОФИҚ

Пензадаги машинасозлик заводи давлат Сифат белгиси қўйилган пахта йигириш машиналарининг бир туркумини чиқарди. Корхонада уларни такомиллаштириш учун талайгина ишлар қилинди. Ана шу агрегатлар жўнатиладиган тўқимачи коллективлар билан тузилган «минглар шартномаси» шуни талаб қилар эди.

Буюртмачилар билан доимо учрашиб туриш, уларнинг ўринли таклифлари энг яхши намуналарга мос келадиган «П-66-5 М4» маркали машинани яратишга имкон берди. Масалан, калаванинг равон-текислиги икки марта ошди, бу эса асосий сифат кўрсаткичларидан биридир.

(ТАСС мухбири).

ДЕПУТАТ ИБРАТИ

СОВЕТ ХОДИМИ МИНБАРИ

Сирдарё областининг маркази — Гулистон шаҳри йил сайин ободонлашиб, юксалиб бормоқда. Тўққизинчи беш йиллик мобайнида шаҳримиз жуда ўзгариб кетди. Бу ерда қатор йирик саноат корхоналари, маданий-маиший объектлар, кўпгина турар-жой бинолари қад кўтарди. Натижада шаҳар янада кенгайди ва чиройига чирой қўшилди.

• Тўққизинчи беш йилликда шаҳар саноати беқиёс даражада ривож топди. Гулистонда иккита йирик корхона — Ўзбекистон комсомолининг 50 йиллиги номли тикувчилик фабрикаси ҳамда шаҳар уйсозлик комбинати фойдаланишга топширилди. Нон заводи ва область босмахонаси янги замонавий бинога кўчиб ўтди. Пахта тозалаш заводи, шаҳар маҳаллий саноат комбинати, электр устахоналари ҳамда бошқа ташкилот ва муассасаларнинг ишлаб чиқариш қуввати ортди. Маҳсулотлар сифати яхшиланди, тури кўпайди. Шаҳар сут заводи коллективи эса ўзининг қаймоқ маҳсулоти учун областда биринчи бўлиб давлат Сифат белгисини олишга муваффақ бўлди. Гулистон шаҳрининг азамат саноатчилари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида актив иштирок этиб, ўтган беш йиллик якунларига мувофиқ КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи, дипломи ва пул мукофотини олишга сазовор бўлди. Эришилган ана шу ютуқларда шаҳар Совети депутатларининг ҳам муносиб ҳиссалари борлигидан ҳақли равишда фахрланамиз.

Меҳнаткашлар депутатлари Гулистон шаҳар Советига 100 депутат сайланган. Шулардан 53 киши ишлаб чиқаришда бевосита жонбозлик кўрсатаётган ишчилар, қурувчилар, шоферлар ҳамда турли шарафли касб эгаларидир. Улар ўз меҳнат постларида бошқаларга намуна кўрсатмоқдалар. Айни пайтда кўпчилик орасида катта сафарбарлик ишларини олиб бормоқдалар. Гулистон тикувчилик фабрикасининг тикувчилари Х. Сувонқулова, З. Навкатова, шаҳар пахта тозалаш заводининг ишчилари А. Косолапова, С. Левина, тажриба ремонт-механика заводининг слесари А. Жўлмирзаев, маҳаллий саноат комбинатининг ишчилари А. Солиева, В. Лиденко, 30-автобаза шофери А. Бобоев, автобус-таксомотор паркининг такси ҳайдовчиси Ф. Шарипов, 7-қурилиш трестига қарашли 2-механизациялашган кўчма колонна комплекс бригадасининг бошлиғи Л. Татарниковалар ва бошқа кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

30-автобаза шофери, шаҳар Советининг депутати Абдуҳофиз Бобоев тўққизинчи беш йилликда икки беш йиллик планини бажарди ва ўнинчи беш йилликда ҳам ўз зиммасига ана шундай юксак мажбурият олди.

Шаҳримиз қучоғида замонавий, чиройли бинолар кўпайиб бораётган экан, бу — шарафли касб эгалари — қурувчиларимизнинг фидокорона меҳнатлари самарасидир. Депутатлардан Г. Абибуллаев, Л. Татарниковалар ана шундай фахрли касб эгалари, айни пайтда ҳақиқий қурувчилар сардоридир.

Лидия Ивановна Татарникова кўп йиллардан бери Гулистон шаҳри бунёдкорлари сафида астойдил меҳнат қилиб келмоқда. У раҳбарлик қилаётган бўёқчилар ва сувоқчилар комплекс бригадаси 2-кўчма колоннадагина эмас, балки Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 7-қурилиш трестида ҳам энг илғор коллективлардан ҳисобланади. Лидия Татарникова 16 кишилик бригадага раҳбарлик қилиш билан бирга ўзининг шахсий ойлик планларини доимо 130-140 процент бажариб келмоқда, айни пайтда жамоат ишларида актив қатнашмоқда. Жонкуяр депутат қурилиш сифати, объектларнинг вақтида қуриб битказилиб фойдаланишга топширилиши учун курашда жонбозлик кўрсатмоқда. Доимий комиссия ва шаҳар ижроия комитети мажлисларининг кун тартибига ана шундай муҳим масалаларни тайёрлаш ва қўйишда ташаббус кўрсатмоқда. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXV съездида ўнинчи беш йилликда қолоқларсиз, самарали ва сифатли меҳнат қилишга чақириб айтган даъваткор сўзлари барча қатори шаҳримиз депутатлари қалбидан ҳам чуқур жой олди. Биз КПСС XXV съездининг ана шу ғоят муҳим ва ҳаётий кўрсатмаларини амалга ошириш йўлида астойдил иш олиб бормоқдамиз.

Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети, унинг доимий комиссиялари, ижроия комитети ўз сессиялари ҳамда мажлисларида саноат, қурилиш, транспорт ташкилотлари ва бошқа меҳнат коллективларининг фаолиятини яхшилаш, уларнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, ишчилар, қурувчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришга оид масалаларни тез-тез муҳокама этиб туради.

Шаҳардаги деярли барча йирик саноат, қурилиш, транспорт ташкилотларида депутат постлари ташкил этилган. Ана шу постларнинг аъзолари ўз ташкилотларининг маъмурияти ва партия ташкилотига меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ишчи ва хизматчиларга маданий-маиший шароитларни яратиб бериш сингари муҳим масалаларни ҳал этишда катта ёрдам бериб келмоқдалар. Гулистон пахта тозалаш заводи (пост бошлиғи Э. Айзенштад), тикувчилик фабрикаси (пост бошлиғи С. Нам), шаҳар маҳаллий саноат комбинати (пост бошлиғи В. И. Лиденко) қошидаги депутатлар постларининг фаолиятини бунга мисол қилиб кўрсатсак бўлади.

Шаҳар саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларининг ишида ҳали жиддий камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, тажриба ремонт-механика заводида иш суръати ва сифати кўнгилдагидек эмас. Бу корхона адресига Қарши, Мирзачўл ва Жиззах чўлқуварларидан ҳақли эътирозлар келиб турибди. Бу ерда меҳнат интизоми бўш. Кўпдан бери меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида айтарли силжиш рўй бермаётир. Шаҳар нон заводида эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати меҳнаткашлар талабига жавоб бермаётир. Шунингдек қурилиш ташкилотларининг фаолиятида ҳам қатор камчиликлар мавжуд. Буларнинг ҳаммаси шаҳар Совети депутатлари ҳамда жойлардаги кўп сонли активларимизни жиддий ташвишга солмоқда. Биз ўзимизнинг галдаги иш фаолиятимизни асосан ана шу муҳим проблемаларни ҳал этишга қаратмоқдамиз, қолоқ коллективлар, бригадалар сонини камайтириш йўлида чидам ва сабот билан изланмоқдамиз.

Меҳнаткашлар депутатлари Гулистон шаҳар Совети шаҳар партия ташкилотининг раҳбарлигида бундан буён ҳам ана шу йўлдаги фаолиятини янада кучайтиради. Шу мақсадда саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларидаги депутат постлари ва группаларининг сонини кўпайтирамиз, уларнинг ишлаб чиқариш билан алоқасини тағин ҳам мустаҳкамлаймиз. Барча депутатларимизнинг активлигини оширамиз, уларнинг ўз меҳнат постларида атрофдагиларга намуна кўрсатиб ишлашлари учун зарур чораларни кўрамиз. Жонажон Коммунистик партиямизнинг XXV съезди биз, совет ходимларидан ана шуни талаб этмоқда.

И. ИБРОҲИМОВ,
меҳнаткашлар депутатлари Гулистон шаҳар совети ижроия комитетининг раиси.

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БИР КУНИ

● **ЮКСАК МЕҲНАТ САМАРАДОРЛИГИ БРИГАДАСИ.** Қўқондаги Охунбобоев номли тикувчилик фабрикаси иккинчи цехидаги В. Капралова бошлиқ коллективга юксак меҳнат самарадорлиги бригадаси деган ном берилди. Бу коллектив етти ойлик топшириқни муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари беш ярим мингтадан кўпроқ кийим-бош тикиб берди.

Илғорлардан иборат олган фабриканинг ҳамма бригадалари юксак меҳнат самарадорлиги коллективи деган фахрий номини олиш учун бошланган курашга қўшилдилар.

● **ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ — ҲАММАГА.** Тошкентдаги электрон техника заводининг иккинчи цехидаги мастер В. С. Тарасенко участкасида илғор тажриба мактаби ишлай бошлади. Йиғувчилардан А. Кузнецова, Л. Котлярова Т. Деминалар машғулотларда операцияларни бажаришнинг илғор усулларини яққол намойиш қилиб, ўз тажрибаларини ўртоқлашмоқдалар.

Уч йил муқаддам коммунистик меҳнат коллективи номини олган З. Калинина бригадаси ҳам цехдаги илғор тажрибани оммалаштирувчи коллектив бўлиб қолди.

● **ЧИРЧИҚ КАПРОЛАКАТАМ ЗАВОДИ.** Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида капролакатам заводига пойдевор қўйилди. Бу маҳсулот қимматбаҳо полиамид пластмасса, шунингдек турли газлама ва корд ишлаб чиқариш учун керакли синтетик тола ҳосил қилиш учун хом ашё бўлиб хизмат қилади.

Янги завод мамлакатдаги турдош корхоналарнинг энг каттаси бўлади.

(ЎзТАГ).

ТУРМУШ МАДАНИЯТИНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

СОЦИОЛОГ МУЛОҲАЗАЛАРИ

Асримизнинг сўнгги чорагига қадам ташларканмиз, жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган социалистик жамиятимиз ички зиддият ва инқирозга юз тутган капиталистик жамиятдан нақадар афзал эканлигини яна ҳам ёрқин тасаввур қиламиз. Ижтимоий тараққиётнинг етакчи кучига айланган социализм «ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун» шиори остида инсоннинг ҳар тарафлама камол топишига зарур шарт-шароит яратиб бермоқда. Бунга давримизнинг энг катта воқеаси—КПСС-нинг тарихий XXV съезди ёрқин далил бўла олади.

Съездда қайд қилинганидек, ўтган беш йиллик плани асосида халқимизнинг турмуш даражасини оширишдаги бажарилган кенг социал программа мамлакат тарихида ҳеч қачон бўлмаган. Янги беш йилликда ҳам жамиятимиз социал тараққиётининг бош йўналиши халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини юксалтиришга қаратилгандир. «**Биз совет халқининг моддий фаровонлигини яхшилаш борасида,** — дейилади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев қилган Ҳисобот докладида, — **бир талай натижаларга эришдик. Биз бу вазифани бундан буён ҳам изчиллик билан ҳал қилаверамиз. Бироқ, моддий имкониятлар ўсиб бориши билан бир вақтда одамларнинг ғоявий-ахлоқий ва маданий савияси ҳам муттасил ўсиб бориши зарур. Акс ҳолда бизда мешчанлик, майда буржуа психологияси иллатлари такрор пайдо бўлиши мумкин**». Демак, совет кишиларининг ҳозирги фаровон ҳаёти яна ҳам гўзал бўлиши учун барча эскилик сарқитларидан ҳоли бўлган юксак турмуш маданиятини қарор топдириш, коммунистик ғоя ва ахлоқни, эстетик туйғулар ва олижаноб инсоний фазилатларни жонлантириш, ижобий урф-одат ва маросимларни сингдириш ғоят муҳим вазифалардандир.

Бу вазифаларни партиямиз социалистик ижтимоий ишлаб чиқаришни муттасил ва пропорционал ривожлантириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, халқ хўжалигининг барча бўғинларида иш сифатини бутун чоралар билан яхшилаш орқали амалга оширади.

Турмуш маданиятининг даражаси ва моҳияти ҳукмрон ғоялар, ижтимоий ва умуминсоний тушунчалар ва ахлоқ нормалари орқали ифодаланади. Буюк рус танқидчиси В. Г. Белинский бундай деб ёзган эди: **«Таълим ва тараққиётнинг турлари кўп, уларнинг муҳим бўлмагани йўқ, аммо ҳаммасидан кўра ахлоқий таълим энг муҳимдир. Таълим-тарбиянинг бир тури сизни олим қилади, иккинчиси юқори табақа даражасига кўтаради, учинчиси ҳарбий ёки сиёсий арбоб қилиб етиштиради, лекин ахлоқий тарбия сизни чин инсон қилиб етиштиради».**

Инсоннинг ҳар тарафлама камол топишида биринчи навбатда унинг маънавий маданияти бой юксак ахлоқли киши бўлиши ниҳоятда зарурдир. Коммунистик ахлоқ принциплари жамият аъзолари онгига ва қалбига нақадар сингиб, уларнинг ҳар кунги хулқ-атворида, хатти-ҳаракатида намоён бўлиб, одат тусига кирса, турмуш маданияти ҳам шу қадар юксак олижаноб даражада кўтарилади. Чунки, Ф. Энгельс ибораси билан айтганда, жамиятнинг узлуксиз такрорланиб турувчи умумий тартиб-қоидалари айрим шахснинг одатига айланиб, кейинчалик қонун даражасига кўтарилади.

Демак, турмуш маданиятининг ривожланишида, юксак ахлоқ нормаларини ўзида мужассамлаштирган анъана, урф-одат ва маросимлар ниҳоятда муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, маънавий маданиятда ижтимоий онгнинг ҳар хил формалари мужассамланган бўлиб, улар хилма-хил анъана ва маросимлар орқали ифодаланади. Бу ҳолат айрим давлатларнинг сиёсий фаолиятида, муайян ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларида, ҳарбий ишларида ва ҳаттоки илм-фанда қабул қилинган, доимо такрорланиб келаётган ёзилмаган қонун-қоидалар сифатида тарихий жиҳатдан ижобий ёки салбий ролни ўйнайди. У ёки бу анъана, урф-одат ва маросимларни чуқур ўрганиб, маданий тараққиётнинг мероси қонунларини билиш ва объектив баҳо бериш йўли билан ижтимоий тараққиётга зўр таъсир ўтказиш мумкин.

Совет тузуми шароитида туб социал-иқтисодий ўзгаришлар туфайли эришилган тўқ-фаровонлик турмуш илғор миллий анъана ва энг яхши урф-одатларнинг яна ҳам гуркираб ўсишини таъмин этди, айни замонда янги урф-одат, расмларни жорий қилишга зўр имконият яратди. Халқимизнинг табиатига хос хушчақчақлик, иззат-ҳурмат, одоб-ахлоқ, шўх ўйин-кулгулар янги социалистик ғоялар билан бойиди, унинг диди ва қалбига жавоб бера оладиган, инсон қадрини улуғлайдиган коммунистик ахлоқ нормаларига асосланган янги совет маиший турмуши ва гўзал ҳаётбахш анъаналари қарор топди. Асрлар давомида фақат эртак ва афсоналарда орзу қилинган тўкин-сочин ҳаёт, тўй ва маросимлар бизнинг жамиятда кенг меҳнаткаш омманинг ҳар кунги турмуш нормаси ва одатига айланди.

Маиший турмуш билан узвий боғланган урф-одат, дастур ва маросимлар нисбий турғунлик ва мустақилликка эга. Халқ орасида «одат кишининг иккинчи табиати», деб бежиз айтилмаган. Аммо маиший урф-одатлар шахсий ходиса бўлибгина қолмасдан, ижтимоий-муносабатлар билан боғлиқ айрим элат ёки миллатнинг маънавий олами, маданияти ва социал психологиясида намоён бўлувчи ижтимоий онг маҳсули ҳамдир. Шунинг учун ҳам қадим даврлардан буён маиший-оилавий анъана, урф-одат ва дастурлар инсоннинг ахлоқий тарбиясини монополия қилиб олишга интилиб келган руҳонийларнинг доимо диққат марказида бўлган.

Кишиларнинг ахлоқий ва эстетик ғояларини ҳар кунги хулқ-атвори ва ҳатти-ҳаракатларини белгилашда бурч, виждон, ор-номус, ғурур, ватанпарварлик, инсонпарварлик, коллективизм каби анъанавий ҳис-туйғулар катта аҳамиятга эга. Бундай олий инсоний туйғулар ҳам муайян тарихий эҳтиёж ва ижтимоий манфаатдорлик асосида пайдо бўлади. «...**Кишини фаол ҳаракатга соладиган ҳар бир нарса,** — деб ёзади Ф. Энгельс, — **унинг мияси орқали ўтиши лозим: киши ҳатто ейиш ва ичишга ҳам ўз миясида акс этган очлик ва ташналик сезгиларининг таъсири билан киришади ва тўйиш сезгиси миясида акс этгандан кейин эса, ейиш-ичишдан тўхтайди. Ташқи дунёнинг кишига ўтган таъсири унинг миясида из қолдиради. Ҳиссиёт тафаккури рағбат, ирода тарзида, хуллас — «идеал орзулар» тарзида акс этади ва улар шу шаклда «идеал кучга» айланади».** Инсон онгида акс эттирилган ахлоқий, интеллектуал ва эстетик олий даражадаги туйғу ва орзулар муайян эҳтиёж ва манфаат асосида пайдо бўлиб, ҳар хил анъана, расм-русм ва урф-одатларда намоён бўлади.

Тўғри, яхши йўлга солинган соғлом эҳтиёжлар кишилар орасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлайди, шахснинг маданий савиясини оширади, социал ва меҳнат активлигини кучайтиради. Мазкур жараён маънавий маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланган анъана, урф-одат ва маросимларга бевосита тааллуқлидир. Бу масала умумий тарзда турмуш маданияти билан ҳам узвий равишда боғлиқдир.

Урф-одат ва маросимлар социалистик жамиятда ҳам ишлаб чиқаришдан ташқари, яъни маиший турмушда барча социал муносабатларни такрор ишлаб чиқаришда кишиларнинг ҳунар малакасини, билим ва қобилиятини, миллий хусусиятларини, маънавий мероси сифатида символ — фаол шаклида сақлаб кейинги авлодларга етказишда асосий воситалар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозиргача сақланиб келган кўп оилавий урф-одатлар инсон фаолиятида стереотип шаклида қайта такрорланиб, ҳаттоки ибтидоий аждодларимиздан авлодма-авлод бизга етиб келган айрим элементларда ҳам намоён бўлади. Социалистик маросимлар ва урф-одатлар меҳнатни улуғлайдиган ва кадрлайдиган тенглик ва ўзаро ёрдам ғоялари билан суғорилган кўп аср-

ПЛАНЕТАМИЗДА

ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

Чет эл матбуоти Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг бир йиллигига, «Правда» газетаси мухбирининг саволларига КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг берган жавобларига ҳамон катта эътибор қилмоқда. Чехословакиянинг «Праце» газетаси: «Л. И. Брежнев давлатлараро ишларни масъулият билан реалистик иш олиб боришнинг узоқ муддатли истиқболини белгилаб берган ҳужжат сифатида, Хельсинки кенгашининг якуниловчи актини гоят аниқ таърифлаб берди».

Кенгашдан кейин ўтган бир йил мобайнида деб ёзади Венгриянинг «Непсава» газетаси, Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг бутун халқаро сиёсати Хельсинки руҳини мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан характерланди. Хельсинкидаги кенгашдан кейин бирон ой бўлмадики, Совет Иттифоқи ва бошқа қардош социалистик мамлакатлар тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган янги ташаббус ва таклифлар билан чиқмаган бўлсин. Тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун бугун бошланадиган дўстлик визити Варшава газеталарининг асосий мавзуларидан биридир Шарқларда ҳар икки мамлакатнинг барча соҳалардаги самарали ҳамкорлиги уқтириб ўтилади.

Лондонда чиқадиган «Гардиан» газетаси Португалиядаги аҳволни ёритиб, ревэлюцион кенгашдаги сўл офицерларни чиқариб юбориш кидаги кенгашнинг бир йиллигига бағишланган мақоласида «Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг Европадаги капиталистик давлатлар билан иқтисодий алоқаларининг сифат жиҳатидан янги формалари очилди», деб таъкидлайди.

Венгрия Министрлар Совети раиси Д. Лазарнинг Польшага қилган ва бугун бошланадиган дўстлик визити Варшава газеталарининг асосий мавзуларидан биридир Шарқларда ҳар икки мамлакатнинг барча соҳалардаги самарали ҳамкорлиги уқтириб ўтилади.

Лондонда чиқадиган «Гардиан» газетаси Португалиядаги аҳволни ёритиб, ревэлюцион кенгашдаги сўл офицерларни чиқариб юбориш учун кампанияни авж олдириб юборган ана шу мамлакатдаги ўнг кучлар позициясини НАТО кучайтиришга интилаётганлигини таъкидлайди.

Францияниг «Юманите» газетаси Испаниядаги сиёсий вазиятни шарҳлаб, франкочи унсурлар активлашаётганлигига тўхталиб ўтади. Газета бу унсурлар мамлакатда граждан уруши муҳитини вужудга келтиришга, сиёсий маҳбусларнинг амнистиясига ҳалақит беришга интилаётганликларини уқтиради.

Япония матбуоти Хитойда рўй берган зилзилалар ҳақидаги материалларни эълон қилиб, бу зилзилаларнинг оқибати ХХР экономикасига таъсир ўтказади деб ёзмоқда.

(ТАСС, 2 август).

ПРЕЗИДЕНТ И. БРОЗ ТИТОНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БЕЛГРАД. (ТАСС). Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти, Югославия Коммунистлар союзининг раиси И. Броз Тито ТАНЮГ агентлиги мухбири билан суҳбатида АҚШни Югославия ишларига аралашишда айблади. У Америкаиинг Белграддаги элчиси Силбермэн Америкада Югославияга қарши кампания ўтказа бошлаганлигини, Югославиянинг ички ва ташқи сиёсати хусусида гап сотиб, мамлакат ишларига аралашаётганлигини таъкидлади. И. Броз Тито бундай хуружлар муваффақият қозона олмайди, деди ва Югославия аввалгидек бундан буён ҳам ўз сиёсатини ўтказаверади, деб уқтириб ўтди. И. Броз Тито блокларга қўшилмаган мамлакатлар ҳаракати тўғрисида гапириб, бу мамлакатлар актив тинч-тотув яшаш ҳамда кескинликни юмшатиш принципларини қарор топтиришга фойдали ҳисса қўшмоқдалар, деб таъкидлади. Шу билан бирга у бу мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда «қийинчилик ва баҳслар» борлигини, буларни ҳамма вақт ҳам осонлик билан бартараф қилиб бўлмаслигини, буларнинг кўпи мустамлакачиликнинг оғир мероси натижаси эканлигини кўрсатди. Президент Тито бу мамлакатлар умумий бир тил топа оладилар, деган фикрни изҳор қилди.

И. Броз Тито Югославия улуғ давлатлар ўртасида музокаралар олиб борилишини ёқлаб чиқмоқда, деди. Биз, деб таъкидлади у, ядро қуроли соҳасида ҳозирги мувозанатнинг бузилишини истамаймиз, бундай мувозанат ялпи уруш хавфидан халос қиладиган муайян гарантиядир.



Самарқанд области. Самарқанд районидаги «Комсомол» совхозининг илғор сут соғувчиси Шарофат Турсунова ўзига биркитилган 24 бош сигирнинг ҳар биридан кўплаб сут соғиб олиш учун ғайрат билан меҳнат қиляпти. Суратда: Ш. Турсунова.

Э. Суяров фотоси.

СЎЗ — 100 ЦЕНТНЕРЧИЛАРГА

ОЗУҚА ЗАМИНИ

Колхозимиз аъзолари, механизаторлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида маккажўхори дони етиштириш ва унинг ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор берди. Колхоз правлениеси ва партия комитети дон етиштириш бўйича ихтисослаштирилган бригадалар сонини кўпайтиради.

Бир бригадага мен ўзим бошчилик қиляпман. Иккинчи бригадага А. Иброҳимов раҳбарлик қилмоқда. Ҳар иккисининг бригада 50 гектардан майдонга дон учун маккажўхори экди. Баҳор ойлари салқин, унинг устига кетма-кет ёмғир, сел бўлишига қарамасдан ҳамма тегишлича тўла-тўкис ниҳол бўлишига эришдик.

Маккажўхори қатор ораларига ишлов беришнинг сифат ва самарадорлигини оширдик. Эввалги ўтларга бостирмадик, талабига қараб озиқлантирдик, суғордик. Ҳозиргача экинларнинг қатор ораларига 2,5-3 марта комплекс ишлов бердик.

Колхоз правлениеси томонидан ҳар бир бригадага ишчи кучи, техника биркитилди. Техника мунтазам ишлаб туришини таъминлаш мақсадида кўчма устахона ташкил қилинди. Ленин ордени кавалери Зайнаб Болтабоева, Давлатбой Бекжонов каби механизаторлар смена нормаларини 1,5-2 ҳисса бажариб, социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

Йил бошида, ҳар гектар майдондан 80 центнердан маккажўхори дони етиштирамиз, деб ваъда қилган эдик. Биз маккажўхори экилган ҳар бир картани бригадамиз аъзолари ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассислари билан кўздан ўтказдик. Экинларнинг ривожи яхши. Мўл ҳосилдан дарак бериб турибди. Йил бошида қабул қилган социалистик мажбуриятимизни қайта кўриб чиқиб, ҳар гектар майдондан камида 100 центнердан маккажўхори дони етиштиришга қарор қилдик. Колхозимиз маккажўхорикорлари съездлар йилида она-Ватанга камида 1000 тонна «каҳрабо дон» етказиб бериш мақсадида ишнинг кўзини билиб меҳнат қилмоқдалар.

А. КЕНЖАБОЕВ,
Хўжайли районидаги Энгельс номли колхоз маккажўхорикорлик бригадаси бошлиғи.

ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ТУҒЁНКОР ТАРОНА

Мен поэзиямиздаги янги йирик асар «Амазонка қўшиғи»* достони ҳақида мулоҳаза айтишга журъатландим.

Асар муаллифи Ҳамид Гулом ўзининг сафдошлари Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Шуҳратлар сингари поэзия ва прозада тенг ижод қиладиган қўш қалам соҳиби.

Ҳамид Гулом ҳар икки жанрда ҳам ҳозиржавоб, публицистик пафосни бадиий тафаккурга йўғириб ёза оладиган ижодкор. Унинг насрий асарларида кўпроқ мамлакатимиз кўламидаги долзарб мавзулар кўтарилса, шеърий манзумаларида кўпроқ халқаро миқёсдаги воқеалар тасвирланади.

Ҳар икки ҳолда ҳам у замон кишиси, долзарб асримиз тугёнларига лоқайд қараб тура олмайдиган ёниқ гражданин сифатида магрур сўзлайди.

Шоирнинг янги достони ҳажм эътиборн билан ихчамгина бўлсада, маъноси, қамрови жиҳатидан катта-катта поэмалардан қолишмайди. Асар, номидан ҳам кўриниб турганидай, шу оғутнги Чили воқеаларидан баҳс этади. Амазонка дарёси Чили халқининг кураш тугёнини ифодалаб турадиган ажойиб бир рамз. Шундан экан, бу жўшқин тимсол орқали шу халқнинг буюк шоири Пабло Неруданинг қалдироқли овозини ҳам шу дарё садолари аралаш тинглаймиз:

Анд тоғлари музидан
Эриб тушган чўнг дарё,
Капиталнинг зулмидан
Қалқиб тошган чўнг дарё,
Бу — баҳорнинг ғазаби!
Кўҳна дарё асабий...
Қайнай бер, Амазонка,
Қалтирасин Пиночет!
Айлантириб хазонга
Зулмни оқизиб кет!
Сен худди ҳур замона
Истиқболдан тарона!
Ҳей, Пабло,
ҳей Неруда
Шеърият заҳматкаши,
Енсин она ерингда
Юракларнинг оташи!

Шоир, санъаткор.
Пабло ҳам Бухоро—
Чолига ўхшар,
Кенг манглай, чўнг бошу,
Бурун ҳам гўштдор.

Азиз меҳмонга саховатли мезбонлар нозбў. нодир совғалар тоширадилар Шу чоқ Пабло Неруда ўзи туғилган Цетла Неграда «Бухоро» номли музей очишга аҳд қилади. У билмадики, орадан ўн йил ҳам ўтмай вақтий хунта бу ажиб шаҳарга ҳам, у очган «Бухоро» музейига ҳам ўт қўяди.

Достон муаллифи Неруданинг музей учун материал тўпланганини қанчалик ҳажжон билан тасвирласа, бу музейнинг ёвузлар қўлида пайҳон этилганлигини шунчалик ачиниш билан, қаҳру ғазаб билан сўзлайди:

Цетла Неграда ёнғин!
Цетла Неграда ёнғин!
Унда ёнади Пабло
Сўзлари. хитоблари,
Эзгу макон «Бухоро»
Музейин китоблари.

Кўрдингизми, шу тарзда бир халқ бошига тушган кулфат тамоман бошқа бир қитъада яшайдиган халқнинг ҳам кулфати, қисматига айланиб кетган.

Ҳамид Гулом ҳаётий фактдан жуда ҳам ўринли фойдаланиб катта ижтимоий хулоса чиқаролганки. бу бадиий маҳорат билан публицистик руҳнинг қойим келиши қанчалик зўр аҳамиятга эга эканлигини яққол кўрсатади

Шу ўринда, озгина чекиниш қилиб, умуман адабиётимизда шу кунларда ҳужжат билан бадиятнинг илдизлари ҳар қачонгидан ҳам чуқур туташиб кетаётганлигини муҳим ижобий ҳодиса сифатида қайд этиб ўтмоқ лозим. «Наврўз», «Меъмор», «Қирқ беш кун», «Бинафша атри», «Ильични ўйлайман» сингари асарларни эслайлик. Уларда ҳужжат аниқлиги бадиий жозиба билан табиий қовушиб кетган ўринлар оз эмас. Бу соҳада шоир ва адиб Ҳамид Гулом дадил. Ҳатто, баъзан ҳужжат асар тўқимасига сингиб кетмаган пайтларда ҳам у мавзуга алоқадор фактларни ишлатиб юборишдан чўчимайди. Албатта, ижодий ғалаба мураккаб нарса, уни улкан санъаткорлар ҳам осонликча қўлга киритавермайдилар.

Бироқ «Амазонка қўшиғи»да фактик материаллар чиндан ҳам дардли қўшиққа айланиб кетган.

Неруда ва унинг рафиқаси билан биргаликда бир неча кун суҳбатдош бўлган муаллиф, албатта, орадан йиллар ўтгач, достон ёзаман деб ўйламаган Чилидаги воқеалар, Неруданинг фожиали тақдири шоирнинг қўлига қалам тутқазган. Мана шу пайтда унинг илгари кўрганлари, кузатганлари ярқ этиб жонланиб кетганки, бу асарнинг реалистик қувватини оширган

Достондаги лирик қаҳрамон образи Неруда ҳаётига, курашига, Матильда ўйларига, дардчил жасоратига ҳамоҳанг, уйғун бўлиб кетган. Шунинг учун унинг совет китхисига хос оликаноб туйғулари соф, самимий, лирик қаҳрамонинг ўзбек фарзандига хос бўлган меҳмонавозлик, ўзидан каттага чексиз эҳтиром каби хислатлари ҳам достоннинг интернационал жарангини юқори пардаларга кўтаришда беминнат хизмат қилган. Хуллас, шак-шубҳасиз, хорижий мавзуда, мўътабар тинчлик темасида яна бир жўшқин асар билан адабиётимиз бойиди.

Юсуф ШОМАНСУРОВ,
филология фанлари кандидати.

* «Шарқ юлдузи», 1976, № 5.

ҚОНУН АМАЛГА ОШМОҚДА

КОБУЛ. (ТАСС). Афғонистон Республикасида бир йил муқаддам қабул қилинган ер ислоҳоти ҳақидаги қонун амалга оширила бошланди. Расмий равишда эндигина кучга кирган бу қонуннинг амалга оширилиши — қишлоқ хўжалигини юксалтириш, афғон халқининг фаровонлигини ошириш ишида республика ҳукумати олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

«Кабул таймс» газетасининг бош мақоласида таъкидланишича, қонунга мувофиқ ер ишлаганларгагина берилади. Аҳолисининг 90 проценти деҳқончилик билан шуғулланувчи аграр мамлакат бўлган Афғонистон учун бу тадбиркорлик аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бу ерда ҳам таъкидланишича, ер ислоҳоти ҳақидаги қонун қишлоқдаги феодал саркиталарни тугатишга ва қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришдаги қолоқликни тугатишга ёрдам беради.

Қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришлар қилишга тайёргарлик юзасидан актив чоралар бундан икки ярим йил бурун бошланган эди. Шу давр мобайнида ерсиз ва кам ерли деҳқонлардан 7 минглан зиёд хонадонга давлат 11 минг гектардан кўпрок ерни бўлиб берди, 60 та қишлоқ хўжалик кооперативи тузилди. Афғон маъмурлари деҳқонларга енгил шартлар билан химиявий ўғитлар ,олий нав уруғлик дон ва чигит, қишлоқ хўжалиги техникаси бериш практикасини кенг қўлланмоқда. Бу тадбирлар натижасида асосий экинларнинг ҳосили ошди.

Республика жамоатчилиги афғон қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг ютуқларини қайд қилиб, ер ислоҳоти ҳақидаги қонун муваффақият билан амалга оширилишига умид билдиради.

ЕР ҚИМИРЛАШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПЕКИН, 2 август. (ТАСС). ХХР ташқи ишлар министрлиги вакилининг бугун бу ерда ҳабар беришича, 31 июль ва 1 август кунлари Таншань-Фенань районида 4 баллдан кўпроқ куч билан 110 марта ва 5 баллдан ортиқ куч билан 15 марта яна ер қимирлаган. Бу районда 28 июль куни қаттиқ зилзила рўй берган эди.

Пекинда бу сафар ер силкинишлари сезилмади, бироқ пойтахт аҳолиси кечаю кундуз ҳамон кўчаларда яшамоқда. Маъмурлар уйлардан чиқиб кетиш тўғрисида фармойиш берган эди. Бу фармойиш бекор қилингани йўқ.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ МУҲИМ ОБЪЕКТИ

● СОФИЯ. София яқинидаги Мирково қишлоғи ёнида ҳувуллаб ётган тақир жойга бултур дастлабки қурувчилар келишган эди. Бу ерда мис рудасининг геологлар топиб берган запаслари негизида «Элатице» кон-саралаш комбинатини қуришга қарор берилган эди.

Шу беш йилликнинг энг катта объектларидан бири бўлган «Элатице» ВХР Министрлар Кенгашининг қарорига мувофиқ миллий аҳамиятга молик қурилиш деб эълон қилинди. Комбинат таркибига бир неча руда кони, кон-саралаш фабрикаси, сунъий сув омбори ва транспорт узели киради. «Элатице» комбинати 1979 йилда биринчи маҳсулотни беради.

БРАШОВНИНГ ЯРИМ МИЛЛИОНИНЧИ ТРАКТОРИ

● БУХАРЕСТ. Брашовдаги «Трактороул» заводида қувончли ҳодиса рўй берди. Корхона дарвозасидан ярим миллионинчи трактор чиқарилди. Йил бошидан бери бу ерда пландан ташқари 1 100 та машина чиқарилди. Завод коллективи меҳнатдаги бу ютугини Руминия фашистлар зулмидан озод этилган кунининг яқинида нишонланадиган 32 йиллигига бағишлайди

Бундан атиги ўттиз йил муқаддам, 1946 йил декабрида бу ерда совет лицензиясига мувофиқ Руминиянинг «ИАР-22» маркали биринчи трактори тайёрланган эди. Совет Иттифоқи Руминияга шу корхона учун комплекс асбоб-ускуналар етказиб берди, малакали кадрлар тайёрлашда кўмаклашди, румин мутахассисларини тракторсозлик соҳасидаги сўнгги ютуқлар билан таништирди.

ШАХТЁРЛАРНИНГ МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ

● ПРАГА. Чехословакия шахтёрлари белгиланган марраларга муваффақиятли равишда эришмоқдалар. Шу йилнинг дастлабки олти ойи якунлари бундан далолат бериб турибди: шу дамгача 59,5 миллион тонна тошкўмир ва қоратпор кўмир қазиб олинди Шахтёрлар мамлакатга ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 миллион тонна ёқилғи бердилар.

ЧССРда ЧКП XV съезди белгилаб берган катта вазифаларни бажариш учун кенг кулоч ёзган социалистик мусобақада шахтёрлар олтинчи беш йилликнинг биринчи йили — 1976 йилда ҳам пешқадамлик қилмоқдалар.

ВСР САНОАТИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

● ХАНОЙ. Шимолий Вьетнамнинг ишчилар синфи Вьетнам Социалистик Республикаси Миллат мажлисининг бутун мамлакат миқёсида экономикани қайта тиклаш ва ривожлантириш, социализмнинг моддий-техника базасини қуриш тўғрисидаги даъватига зарбдор меҳнат билан жавоб бермоқда

Шу кунларда завод ва шахталарнинг, электр станциялар ва қурилиш ташкилотларининг коллективларидан июль ойининг план топшириқлари муваффақиятли равишда тўла ва оширб бажарилаётганлиги тўғрисидаги меҳнат рапортлари олинмоқда. Шимол энергетиклари ойлик планни 13,7 процент ортиғи билан бажардилар. Шахтёрлар мамлакатга планда белгиланган кўрсаткичлардан 9,6 процент кўп миқдорда маҳсулот бердилар. (ТАСС).



Иордан дарёсининг ғарб соҳилида Исроил босқинчиларига қарши араб аҳолисининг кучли чиқишлари бўлмоқда. Натижада Наблус шаҳрида 16 ёшли ўсмир Надал Шантур ўлдирилди ва 30 киши жароҳатланди. Жамоатчиликнинг норозилигидан хавфсираган босқинчилар шаҳарга кириш йўлларини ҳарбий соқчилар билан тўсиб олдилар. Суратда: Исроил соқчилари Наблус кўчаларида.

АП—ТАСС фотоси.

МАОЧИЛАР— ИМПЕРИАЛИЗМ ГУМАШТАЛАРИ

НАЙРОБИ, 2 август. (ТАСС). Кенияда чиқадиган «Таргет» ҳафталик газетаси «Империализм гумаштаси» сарлавҳали мақола босиб чиқарди. Мақолада Хитойдаги маочиларнинг Африкадаги сиёсати реакцион моҳияти ва принципсизлиги фош қилиб ташланган.

Узоқ вақт мобайнида Хитой ўзини Африкада ва дунёнинг бошқа районларида «озодликнинг муросасиз жарчиси» қилиб кўрсатишга зўр бериб уриниб келди, дейилади мақолада. Бироқ, ХХР билан Африка ўртасидаги муносабатларнинг тарихи шуни кўрсатдики, маочилар ўзларининг ғаразли стратегик мақсадлари йўлида қитъадаги мустақил мамлакатларнинг манфаатларига хиёнат қилмоқдалар.

«Таргет» ҳафтаномаси Пекинниг Африкада ўтказилаётган сиёсати Советларга қарши моҳиятга эга эканлиги империалистлар билан иркчиларнинг манфаатларигагина хизмат қилмоқда ва шу тарика уни ашаддий реакция лагерига ўтказиб қўймоқда. Кениядаги шу ҳафтанома Пекинниг Анголада ФНЛА ва УНИТА гуруҳларидан иборат реакцион кучлар тарафига ошкора ўтиб олганлигини эслатиб, Хитой ўз хатти-ҳаракатлари билан ўзининг ғаразли мақсадларини деб, Африка манфаатларини қурбон қилишга тайёр эканлигини ва Жанубий Африкадаги фашист режимлар билан ҳамда АҚШ империалистлари билан амалий иттифоқ тузишга тайёр эканлигини Африка халқларига кўрсатиб қўйди деб таъкидлайди. «Таргет» газетаси яна шуни ҳам эслатиб ўтадики, БМТ Хавфсизлик кенгашида Жанубий Африка Республикасининг Анғола Халқ Республикасига қарши агрессиясини қоралаш тўғрисидаги, шунингдек Анғола Халқ Республикасини БМТга қабул қилиш ҳақидаги масалалар муҳокама этилган пайтда Пекин АҚШ билан ҳамнафас бўлди.

Империализмнинг асл моҳиятини Хитой жуда яхши билиши керак эди, деб ёзади «Таргет» газетаси. Бироқ, шунга қарамай, пекинлик раҳбарлар халқаро реакция билан онгли равишда оғиз-бурун ўпишмоқдалар.

лик қадимий халқ анъаналарига таянади ва уларга янги маъно ва мазмун бағишлайди.

Янги урф-одат ва маросимлар турмушдаги ўтмиш сарқитларига қарши мураосасиз жиддий курашда қарор топади ва шаклланади. Оилавий-маиший турмушдаги эски урф-одатларнинг барҳам топиши, уларнинг қисиб чиқарилиши, янги социалистик анъана ва маросимларнинг ҳаётга сингишига боғлиқ. Янги урф-одатлар ҳақидаги чуқур илдиз ташлаб кенг қўламда турмушга қарор топса, шунча тез эскилик сарқитларидан маиший турмушимиз халос бўлади. Айрим шахснинг, оила, социал группа ёки жамиятнинг ҳаётида рўй берадиган муҳим ходисаларни муайян маросимлар тўказиш йўли билан тантанали нишонлаш объектив маънавий эҳтиёждир. Бу қонуният социалистик жамиятга ҳам хос. Агар жамият мазкур эҳтиёжни тўлик қондиролмаса, миллий психология ва онг, табиий-географик ва тарихий-этнографик ҳусусиятларга мос келадиган социалистик ғоялар билан суғорилган янги анъана, янги удум ва маросимларни маиший турмушга сингдирилмаса диний урф-одатлар сакланибгина қолмай, балки яна тикланиб, жонланиши мумкин. Социологик тадқиқотлар ва кузатишлар шуни кўрсатадики, дабдабали катта харажатлар билан ўтказиладиган айрим ўғил тўйлари, диний никоҳга асосланган эскича икки-уч кунлаб ўтказиладиган келин-куёв тўйлари, кўплаб кишиларга мўлжалланган ҳар хил диний маросимлар кўпинча турмуш маданияти паст, маънавий қашшоқ, лекин катта даромадга эга бўлган айрим шахслар томонидан қўллаб-қувватланади. Шунисн ҳам диққатга сазоворки, диний урф-одат ва маросимларни (мачитда ўтказиладиган ҳайит ёки жума номозига катнаш, ҳудонлар ва мавлудлар), катта харажатли эскича тўйлар айрим кишилар томонидан дабдабали қилиб ўтказилади.

МАЪЛУМКИ, марксизм-ленинизм социализм даврида кишиларнинг ўз турмуш шароитини яхшилашга интилишини, яхши, қулай, шинам уй-жой, чиройли мебель ва уй-рўзғор буюмларига эга бўлиш истагини, юксак фаровонлик асосда ғўзал тантаналар ўтказишини қораламайди. **«Биз ҳар томондан янги талабларни кўрар эканмиз,** — деб ёзган эди В. И. Ленин. **— биз бундай дейиш: бу шундай бўлиши керак, ҳар ким аҳволини яхшилашни истаётган экан, ана шунинг ўзи социализмдир».** Бироқ эҳтиёжлар оқилона бўлиши, уларни қондириш йўллари социалистик тақсимот принципига мувофиқ бўлиши керак.

Социализм шароитида турмушнинг ўтмиш сарқитларидан, эски урф-одатлардан гозаланиш даражаси ва ҳарактери талай фактор ҳамда жиҳатларга боғлиқдир. Моддий фаровонликнинг юксалиши ўз-ўзидан коммунистик онгликни оширмайди, балки унинг шаклланиши учун объектив шарт-шароитларни вужудга келтиради. Одам онги ва ҳулқ атворини бошқарадиган социал-психологик механизмларнинг ўзгариши оқибатидагина ҳам моддий, ҳам маънавий маданият соҳаларида янгидан-янги эҳтиёжлар ва йўналишлар пайдо бўлади. Маиший турмуш эҳтиёжларини қондириш борасидаги анъановий консерватив қарашларни ва расм-русмларни ўзгартириш учун социал-иқтисодий омиллар билан бир каторда ижтимоий онгга систематик равишда бир мақсадга қаратилган ғоявий-психологик таъсир кўрсатиш зарурдир.

Замонавий юксак турмуш маданиятини, коммунистик ахлоқ муносабатларини ва янги урф-одатларни шакллантириш, юксак эстетик дид ва масъулиятни барча ижтимоий, моддий буюм ва нарсаларга социалистик муносабатда бўлишни тарбиялаш орқали эришилди. Аммо бу олижаноб муҳим вазифани бажаришда айрим консерватив элементларни — аҳоли муайян қисмининг онгида ва маиший турмушида сақланиб келаётган ва маълум даражада диний эътиқод ва урф-одатларга замин бўлаётган бой-тўралик, молпарастлик, бойлик орттириш, порахўрлик, мешчанлик ва таъмагирлик сингари энг зарарли сарқитларни тугатиш айниқса муҳимдир.

Демак, баъзан «маҳаллачилик» фикри билан қўллаб қувватланаётган мазкур салбий, носоглом «тўқлик-шўхлик»лар асосида амал қилиб келинаётган маиший-оилавий урф-одат ва маросимларнинг моҳиятини очиб бериш, уларнинг ўрнига маънавий жиҳатдан бой ва гўзал, кишига илҳом ва завқ бағишлайдиган янги совет анъаналарини турмушда тўлиқ татбиқ қилиш барча идеологик восита ва ташкилотларнинг энг муҳим вазифасидир

Инсон қалби ва онги учун кураш даставвал ҳар кунги оилавий-маиший турмушда намоён бўлаётган эскилик сарқитлари, жумладан диний урф-одат, дастур ва маросимларга қарши аёвсиз кураш, кўп қиррали турмушимизнинг ҳамма соҳасида юксак ғояларимизни ўзида мужассамлаштирган ажойиб инсонпарварлик анъаналаримизни сингдириш демакдир. Партия ва ҳукуматимизнинг сўнгги йилларда бу йўлда қилаётган катта тадбирлари мазкур олижаноб вазифалар нақадар муҳим эканлигининг ёрқин далилидир.

Социалистик турмушнинг аста-секин коммунистик турмушга айлана бориши оилавий муносабатларни янада такомиллаштиришни, совет кишиларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришнинг ижтимоий формаларини ривожлантиришни, улар турмушини янги, гўзал анъаналар билан бойитишни ва эскилик сарқитларидан узил-кесил тугатишни назарда тутади.


Меҳнат ва турмушнинг янги формалари синфни кишилар маънавий қиёфасининг янги ҳусусиятлари ҳам социалистик миллатларнинг объектив равишда яқинлашуви, оилавий-маиший турмушни интернационаллаштириш натижасида ва совет турмуш тарзининг таъсири остида таркиб топади. Бунда турмуш уклади ва онгидаги янгилик билан ўз ўрнини яшаб бўлган эскилик ўртасидаги кураш коммунистик онга ва маиший турмуш қарор топишининг характерли хусусиятини ташкил қилади. Диний одат ва маросимларнинг энг зарарли томони шундаки. диний хатти-ҳаракатга берилган хурофий дастур ва расм-русмларга риоя қилувчи киши айни вақтда уларнинг идеологик таъсирига ҳам берилади. Аксинча, янги совет анъаналари шахснинг юксак маънавий эҳтиёжларини қондириб, унга завқ, қувонч ва илҳом бағишлайди.

Агар замонавий байрам ва анъаналар, оммавий расм-русм ва маросимлар ғоявий мукаммал, эмоционал жиҳатдан бой, бадиий гўзал ва ранг-баранг бўлса, улар совет кишиларини ғоявий ва эстетик жиҳатдан тарбиялашда доимо самарали илҳомбахш восита бўлиб хизмат қилади. Янги одат ва маросимлар мазмунан нақадар бой ҳамда теран, ҳар кунги турмушда зарурий эҳтиёж сифатида намоён бўлса, улар социал ва маданий тараққиётга ҳам шу қадар яхши хизмат қилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XIX съезди меҳнаткашлар турмуш маданиятини юксалтириш биринчи даражали муҳим иш эканлигини алоҳида таъкидлади.

Совет халқи ва барча тараққийпарвар инсоният қалбини тўлқинлантирган КПСС XXV съезди қарорларининг юксак гуманистик идеалларини амалга оширишда меҳнатда турмушнинг янги формалари, юксак турмуш маданияти ва янги урф-одат, дастур ва маросимларни сингдириш ниҳоятда муҳим роль ўйнайди.

И. ЖАББОРОВ,
философия фанлари доктори, профессор.

ФОТОЛАВҲАЛАР



МАТБААЧИ МЕҲНАТИ

◆ ТУНЛАРИ УЙҒОҚ МИКРОШАҲАРЧА ВА УНИНГ МЕҲНАТ КИШИЛАРИ.
◆ МУСОБАҚАДА ОЛДИНГИ САФДА.
◆ ГАЗЕТА-ЖУРНАЛ — ҲАР БИР ОИЛАГА.
◆ ЙИЛАР ВА МУЛОҲАЗАЛАР.

АЗИМ шаҳар уйқуда. Сўнгги трамвайнинг ҳам ётоғига кириб кетганига анча бўлди. Кўчалардаги навбатчи чироқларгина ёниб турибди. Лекин шаҳарнинг нак марказида, айтиш жоиз бўлса, бир микрошаҳарча уйғоқ. Ундаги осмонўпар мармар бино қаватларида юкори, офсет ва ботиқ босма комплексларида, ҳарф териш цехларида, диспетчерлик, экспедиция бўлимларида ҳаёт қайнайди. Минглаб-миллионлаб метр оппоқ қоғозларга жаҳон овози, нафаси, руҳи кўчириб босилмоқда. Мамлакат ва республика меҳнаткашлари олдига партия ва ҳукуматимиз қўйган муҳим вазифалар газета-журнал юзини кўрмоқда... Уларни туннинг ширин уйқусидан, ҳузур-ҳаловатидан кечиб, юзлаб-минглаб кишилар ҳарфма-ҳарф теряпти, ҳижжалаб ўқияпти, сўзмасўз тўғрилаб, бирма-бир саҳифалаб, жамлаб тонг билан машина, поезд ва ҳаво йўллари оркали кўп сонли обуначиларга етказиб беришяпти. Улар меҳнати машаққатли, шу билан бирга шарафли ва элда азиз матбаачилардир. Кеча-кундуз уйғоқ микрошаҳарча — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти ва Меҳнат Қизил Байрок орденли босмахона корпуслари, редакциялар уйидир.

Орденли корхонамизнинг 2 минг кишилик ишчи-хизматчи, инженер-техник ходимлари республикамиз ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга ўзларининг ана шундай муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўрток Ш. Р. Рашидовнинг шу йил 3 май куни корхонамизга Меҳнат Қизил Байрок ордени ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсофпроф, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил Байроғи топширилишга бағишланган йиғилишда сўзлаган нуткида айтганидек, матбаачилар «...журналистлар, республиканинг барча матбуот ходимлари билан биргаликда партиямизнинг большевистик ҳақиқат сўзларини оммага етказмоқдалар. Ўзбекистон меҳнаткашларининг коммунистик қурилишда эришаётган янгидан-янги ютуқларини ишонарли гарзда. ёркин ва образли ёритмоқдалар. илғор тажрибани ёйишга ёрдамлашмоқдалар одамларни шонли меҳнат зафарларига руҳлантирмоқдалар».

Республика вақтли матбуотининг асосий полиграфия базаси — нашриётимиз сўнгги йилларда техникавий жиҳатдан қайта қуролланди. Узоққа бормасдан, самарадорлик ва сифат беш йиллигининг биринчи йили ўтган ярим йиллик якунларига бир назар ташлайлик: олти ойлик топшириқ муддатидан олдин адо этилди, салкам 4 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу — пландагидан 5 процент кўп маҳсулот демакдир.

Меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатининг тўхтовсиз ўсиб бориши — корхонага кўплаб иқтисодий фойда келтирди. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлида кўпгина ички резервлар ишга солинди, хом ашё ва материалларни тежаб-тергаб ишлатишга жиддий аҳамият берилди. Беш йиллик фондига нашриёт, босмахона фаолиятидан, шунингдек ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларидан планга қўшимча 420,1 минг сўмдан кўпроқ фойда ўтказилди, 45,8 минг сўмлик полиграфия материаллари, 179,7 тонна турли хилдаги қоғоз тежаб қолинди. Нашриёт фаолиятига сарфланган маблағдан 168,7 минг сўм иқтисод қилинди. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,4 процент ортди. Мамлакат партия органлари нашриётларини ўртасидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақада иккинчи квартал якунлари бўйича ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети Ишлар бошқармаси ва маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ва биринчи даражали пул мукофотини олишга муяссар бўлдик.

Асосий ва қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб бориши ва полиграфия ходимлари меҳнатининг баракали бўлишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг гамхўрлигини алоҳида таъкидлаш керак. Марказий Комитет нашриёт полиграфия базасини мустаҳкамлашда корхонани малакали кадрлар билан таъминлаш йўлида кўпгина ташкилий тадбирларни амалга ошириб, техника тараққиётини ривожлантиришда, капитал маблағларнинг сарфлаш муддатини қисқартиришда ва босмахона цехларини реконструкция қилишда яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Тўққизинчи беш йиллик мобайнидагина нашриётни ривожлантиришга қарийб 20 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланди. 1972 йилда Ўрта Осиёда ягона бўлган ботиқ босма комплексининг қуриб ишга туширилиши — корхона ҳаётида катта воқеа бўлди. Орадан икки йил ўтгач, нашриёт кошида оппоқ мармар билан қопланган 16 қаватли редакциялар уйи қад кўтарди. Энг янги махсус техникавий жиҳозлар билан таъминланган бу ҳашаматли бинода ҳозир 20 дан ортик маҳаллий газеталар редакциялари ва марказий матбуотнинг мухбирлар пунктлари ишлаб турибди.

Корхонамизда кенг тус олган капитал қурилиш ишлаб чиқаришни концентрациялаш жараёнини тезлаштириб юборди. Жумладан, редакциялар Уйи ишга тушиши билан бўшаб қолган бинолар реконструкция қилинди ва уларга журналлар редакцияларини кўчириб келтирилди. Эндиликда барча газета-журнал редакцияларининг босмахонага яқин бўлиши ижодий самаралар беряпти. Журналистлар ва полиграфия ходимларининг ҳамкорликда ишлашлари, газета-журналларнинг вақтида чиқиши ва туғилган бахъи муаммоларнинг тезда ҳал этилиши, ҳар бир ишчи-хизматчи ёки ходимнинг баракали ишлаши учун қулай шароит яратди.

Сўнгги йилларда вужудга келган қудратли техникавий иқтисодий база коллективимиз эришган муваффақиятларда катта роль ўйнаяпти. Ўтган беш йилликда босмахона цехларига 3 миллион сўмлик 160 дан ортик замонавий серунум ускуналар ўрнатилди.

Нашриётимиз мамлакатдаги йирик полиграфия корхоналардан биридир. Ҳозир корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, илғор техника ва технологияни ўзлаштириш ҳамда барча иқтисодий кўрсаткичлар бўйича Иттифоқимиздаги партия органлари нашриётлари ўртасида учинчи ўринда турибди. Бир галги тиражи қарийб 6 миллион нусха бўлган 40 номдаги газета ва 750 миллион нусхадан иборат 42 номдаги журнал чоп этилмоқда. Босмахона коллективининг сиёсий етуклиги ва юксак касб маҳоратини «Правда», «Известия», «Сельская жизнь», «Комсомольская правда», «Социалистическая индустрия», «Труд», «Медицинская газета», «Учительская газета», «Советская торговля» сингари марказий ва тармоқ газеталар ҳамда «Крокодил», «Работница», «Крестьянка», «Здоровье», «Человек и закон» каби журналлар босилаётганлиги кўрсатиб турибди. Шуниси диккатга сазоворки, бу газеталарнинг тасвири фототелеграф орқали қабул қилинмоқда. Бу эса газеталарнинг ўқувчи кўлига ўша куниёқ етиб боришини таъминлаяпти, Республика вақтли матбуот нашрларининг бозагини яхшилаш йўлида ҳам кўп иш қилинмоқда. Ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадиий журналларнинг аъло даражедаги полиграфик ижроси кўзни қувонтиради.

Маълумки, ҳар бир ишнинг муваффақияти одамларга, уларнинг ижодий меҳнатига боғлик. Ҳарф терувчилардан Л. Татаулина, Д. Попова, Р. Минуллина А. Суздальцева, С. Соатов, Я. Бродский, саҳифаловчилардан Г. Гарипов, М. Арслонов, М. Юсупова, стереотипчилардан Р. Нургалиев, Р. Одилов каби кўплаб мутахассисларнинг фидокорона меҳнати билан нашриётимиз мамлакат полиграфия корхоналари орасидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобакада олдинги сафда боряпти. К. Астафьев, А. Ниёзмуҳаммедов, И. Пузиров Ш. Пўлатов, Н. Умаров, Х. Яҳёев, Т. Дубинская каби пешқадам ишчиларимиз августа, сентябрь ва йилнинг сўнгги ойлари меҳнат календарини очганларига анча бўлди. Биринчи кварталда «Известия» газетаси чиқариладиган 49 шаҳар матбаачилари ўртасидаги мусобакада кўчма Қизил байрок ва биринчи ўринни, «Правда» газетасини чиқариш бўйича учинчи пул мукофотини олишга эришдик.

Бу муваффақиятлардан ва коллективимизнинг бу жонбозлиги ва фидокорлигидан кўзланган мақсад битта: у ҳам бўлса — коллектив агитатор, коллектив пропагандист ва коллектив ташкилотчи — совет матбуоти нашрларини обуначилар қўлига вақтида, ўқимишли ва сифатли етказиб беришдан иборат. Ҳатто, катта ва муҳим воқеалар тафсилотига бағишланган номерларни ҳам матбаачиларимиз журналистлар билан елкама-елка ишлаб, ўша куни ёки куннинг эртасига бутун мазмуни билан газета саҳифасида ёритишга, чоп этишга интилмоқдалар. КПСС XXV съезди давом этиб турган кунларда бирор журналист ёки матбаачи лаҳза тиним билмади. Съезд материалларини бир кунда 8-12 саҳифагача ёритиб бордилар.

Кези келганда шуни айтиш керакки, матбаачи бошлаган ишни бутун масъулияти ва тиғизлиги билан давом эттиришда бизга жойлардаги партия, хўжалик, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари яқиндан ёрдам беришларини истардик. Улар ўзлари ишлаб турган жойлардаги алока бўлимларини, транспорт ташкилотларини қатъий назорат қилсалар яхши бўларди. Токи, матбаачи уйқусини тарк этиб тонгга қадар тайёрланган газета ёки журнал обуначи қўлига ўша куни ҳали бўёқ ҳиди кетмасдан етиб боришини ҳоҳлардик. Бизга обуначилардан келаётган баъзи шикоятларга кўра, қаётимизнинг кундалик нафаси уфуриб турган вақтли матбуот нашрлари ўқувчиларга жуда кечикиб, баъзан йиртилиб, лой-тупроққа беланиб боряпти. Ўқувчилар бундан қаттиқ ранжимоқда. Улар вокелигимизнинг бугунги нафаси, бугунги руҳини, партия ва ҳукуматимизнинг омма олдига қўяётган бугунги талабларини кечикиб эшитмоқдалар. Газеталар машиналарга юкланаётганда ва ташиб кетилаётганда эҳтиёт қилинмаяпти. Журналистлар ва матбаачиларнинг кўз нури тўкилган саҳифалар йиртилиб кетяпти. Биз матбаачилар ва матбуотчиларнинг мақсади — кундалик матбуотнинг тарғиботчилик ролини, унинг жанговарлигини яна ҳам ошириш. Шу ниятда корхонамиз ишлаб чиқаришини йил сайин мукаммаллаштириб боришга кенг эътибор беряпмиз.

Нашриёт коллективи олдида ўнинчи беш йилликда янги истиқболлар турибди. 15 миллион сўмлик янги газета комплекси қурилиши мўлжалланмоқда. Унинг ишга туширилиши — ишлаб чиқариш қувватини 1 милиард нусхадан ҳам ошириб юборади. 1980 йилга бориб, нашриёт босмахонасида босиладиган газеталарнинг бир галги тиражи 7 миллион нусхага етади. Республика газеталарининг тиражи анча ўсади, алока канали орқали 15 номдаги марказий газеталар қабул қилиш кўзда тутилган.

Нашриётимизнинг социалиқтисодий ривожланиш планларини амалга ошириш — цех ва участкаларни энг янги ускуналар билан таъминлаш, корхонанинг социал-маданий базасини кенгайтириш, ходимларни моддий рағбатлантириш фондларини ҳам анча кўпайтириш имконини беради. Профилакторий, дам олиш уйи, пионер лагерлари, болалар ва медицина муассасалари, ётоқхоналар кўпаяди, уй-жой қурилиши миқёси кенгаяди.

КПСС XXV съезди қарорларидан руҳланган нашриёт матбаачилари бундан буён ҳам янада яхши ишлайдилар. Улар севимли Ватанимизнинг бахт-саодати йўлида муваффақиятли меҳнат қиладилар, беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш учун социалистик мусобаканинг олдинги сафида борадилар.

И. ШОҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасининг директори.

ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

◆ 31 ЙИЛДАН КЕЙИН ДИЙДОР КУРИШДИЛАР
◆ ЖАНГОВАР ДЎСТЛАР УЧРАШДИ

Собиқ танкчилар бир-бирларини йўқотиб қўйишида. Мартиновнинг ёзган хатига Зоминдан М. Ержигитов энди бу ерда яшамайди деган жавоб келди. Лекин жанговар дўсти билан дийдор кўришиш ниятиёқи унга ором бермасди. Шунинг учун ҳам Владимир Николаевич Одессадан Самарқандга, кейин эса Зомингa борди. Бу ерда унинг иши ўнгидан келди: Ержигитовлар оиласи Зоминдан Сирдарё область Боёвут районидаги Пушкин номли совхозга кўчиб кетганлигидан хабар топди.

Қишлоқ кишилари кўрсатиб қўйган уй Мартиновни шод-хуррамлик билан кутиб олди. Мустафонинг ўғли Зафар уйланаётган эди. Қувончга қувонч қўшилди — фронтда бирга бўлган дўсти келиб қолди Ержигитовлар оиласида ўша куни қўшалоқ байрам бўлди.

Тўйда Мартиновни Мустафонинг жияни, отпускага келган солдат Аҳмад Дўстмуродов билан таништиришди. Буни қарангки, Аҳмад Одесса атрофида, Владимир Николаевичнинг жияни Евгений Фоменко хизмат қилаётган қисмда экан.

Фронтдош дўсти кўнаб кетганидан кейин орадан бир оз вақт ўтгач, мана Ержигитов қариндошидан хат олди. Аҳмад бу хатида Евгений билан учрашганлигини маълум қилибди. Улар битта ротада хизмат қилмоқдалар. Фронтдаги дўстлик муносиб равишда давом эттирилмоқда.

— Ҳосилни йиғиштириб бўлганимизда кейин, — дейди Пушкин номли совхознинг бош гидротехниги М. Ержигитов, — отпуска оламан-да, тўғри Одессага учиб бораман. Фронтдош дўстим билан учрашгач, жиянларимизнинг ёнига бориб келамиз.

Г. ОГОРОДОВ.
ЎзТАГ мухбири.
Димитровское, Сирдарё области.

Тўрткўл районидаги Димитров номли колхоз автоном республиканинг кўп тармоқли хўжаликларидан саналади. Колхозда бу йил 6000 тонна пахта, 150 тонна сабзавот, 250 тонна қовун-тарвуз ва бошқа маҳсулотлар етиштириш кўзда тутилган. Қишлоқ аҳлига мадания-маиший хизмат кўрсатиш ҳам йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Суратларда: (чапдан) колхоз правлениеси биноси, врач-терапевт Р. Каримов бемор ҳузурида, киномеханик З. Отаниёзов, ёш боғбон Р. Отажонова.

Р. Сандов фотолари.

СПОРТ

Мамлакатимизда спорт ҳаёти бир дақиқа ҳам тинмайди. XXI ёзги олимпия ўйинлари кунлари ҳам спортчиларимиз физкультура коллективларининг ични мусобақаларида ва халқаро учрашувларда фаол иштирок этганликларининг боиси ҳам шунда.

ЭРКИН КУРАШ

Спорт ишқибозлари, хусусан наманганликлар икки ойча олдин афғон полвонлари серқуёш ўлкамизга меҳмон бўлиб келганларини биладилар. Яқинда эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма командаси жавоб визити билан Афғонистонга борди. Спортчиларимиз Кобулда мезбонлардан ташқари Эрон, Покистон ва Ироқ командалари ҳам иштирок этган халқаро турнирда қатнашишди. Тоши 90 килограммлик полвонлар мусобақасида тошкентлик спортчилардан Т. Бадалов («Динамо») олтин, О. Моторин («Меҳнат») бронза медаль олди. Республикамиз вакиллари бундан ташқари яна иккита кумуш ва битта бронза медаль қўлга киритишди.

ВОЛЕЙБОЛ.

Хотин-қиз командалари СССР кубоги баҳсларини тугатишди. Зонал мусобақа голиблари — «Спартак» (Ленинград), «Уралочка» (Свердловск), «Автомобилист» (Тошкент) ва «Буревестник» (Москва) командалари Сочига тўпланган эди. Тошкентлик волейболчилар мусобақа пировардида учинчи ўринни олдилар. Кубок Ленинград спартакчиларига тегди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Москва яқинидаги Подольск шаҳрида Бутуниттифоқ мусобақалари бўлди. Андижонлик спортчи Светлана Ўлмасова уч километрга югуришда мамлакат рекордини ўрнатди — 8 минуту 48,4 секунд. Бу билан илгарги рекорд уч секундга яхшиланди.

ФУТБОЛ

«А» класс биринчи лига командалари кеча навбатдаги тур ўйинларини ўтказдилар. Иккинчи даврани Симферополда маҳаллий «Таврия» билан (1:1) бошлаган тошкентлик пахтакорчилар Ростов армиячилари билан куч синашишди.

САМБО

Донецкда ёшлар ўртасида мамлакат биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Республикамиз самбочилари норасмий ҳисобда турнирнинг учинчи погонасига кўтарилдилар. Тоши 90 килограммлик полвонлар мусобақасида тошкентлик спортчилардан Т. Бадалов («Динамо») олтин, О. Моторин («Меҳнат») бронза медаль олди. Республикамиз вакиллари бундан ташқари яна иккита кумуш ва битта бронза медаль қўлга киритишди.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР социал таъминот министрлигининг
ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1976—77 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТИКУВЧИЛАР, ПОЙАФЗАЛЧИЛАР, РАДИО-ТЕЛЕМЕХАНИКЛАР, БУХГАЛТЕРЛАР.

Имтиҳонларга 15—25 ёшдаги 8—11-синф маълумотидаги кишилар қўйилади.

Билим юртига инвалидлар, кўп болали оилалар, ёлғиз оналар, Улуғ Ватан урушн инвалидларининг болалари қабул қилинади. Улар район социал таъминот бўлими справкасини кўрсатишлари шарт.

Айни бир вақтда ўқувчилар ўзбек ва рус тилларида кечки ишчи-ёшлар мактабининг 9—11-синфлари программаси бўйича курс ўтадилар. Бир кун — умумий таълим дарси, бошқа кун — ишлаб чиқариш таълимидан машғулот олиб борилади. Билим юртида ётоқхона ва ошхона мавжуд.

Билим юртига киришда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим: медицина справкаси (286-форма) ва мазкур ихтисос бўйича таълим ҳақидаги тавсиянома билан бирга ВТЭК справкаси, инвалидлик группаси, аттестат ёки гувоҳнома (асли), район социал таъминот бўлимининг йўлланмаси, ўқиш ёки иш жойидан характеристика, автобиография, ариза, 4 та фотосурат (3х4 см. ҳажмда), паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

ҲУЖЖАТЛАР 15 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари (адабиёт ва математика) 16 августдан бошланади. Билим юртига кирувчилар имтиҳонларни топширгач, мандат комиссиясидан ўтадилар.

Бизнинг адрес: 700113, Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Гафур Гулом кўчаси, 47-уй (2, 13, 29, 48-автобуслар, 9, 15, 10, 21-трамвайлар).

УЗБЕК ХОРЕОГРАФИЯ БИЛИМ ЮРТИ
1976—77 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КЛАССИК РАҚС БЎЛИМИГА умумтаълим мактабининг 3 синфини тамомлаган 10—12 ёшдаги қиз ва ўғил болалар қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 7 йилу 10 ой.

ХАЛҚ РАҚСИ БЎЛИМИГА умумтаълим мактабининг 6 синфини тамомлаган 13—14 ёшдаги маҳаллий миллат қиз ва ўғил болалари қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ 4 йилу 7 ой.

АРИЗАЛАР 1—20 АВГУСТ КУНЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ 23—29 АВГУСТ КУНЛАРИ ЭРТАЛАБ СОАТ 10 ДАН ИШЛАЙДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Педагогика кўчаси, 31-уй.



Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
БОТАНИКА ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория кичик илмий ходимлари: биохимия ихтисоси бўйича физиология ва биохимия; агрохимик ихтисоси бўйича ғеоботаника; ботаник ихтисоси бўйича дуб ўсимликлари; ботаник ихтисоси бўйича ўсимликлар хомашёсини излаш; ботаника ихтисоси бўйича Қизилқум саҳро станциясига.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, ГСП, Ф. Ҳўжаев кўчаси, 32-уй.

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудири: рус ва чет эл адабиёти (доцент, фан кандидати);

кафедра ўқитувчилари: рус тилшунослиги (3 ўрин).

КОНКУРС МУДДАТИ — 30 АВГУСТГАЧА.

Мурожаат учун адрес: Андижон шаҳри, Мир кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 4-42-50; 4-43-73.

НОВГОРОД ШАҲРИДАГИ ҚУРИЛИШ ПОЕЗДИГА
ғишт терувчилар, сувоқчилар, бўёқчилар ва дурадгорлар
КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли, командировка учун бериладиган пул ўрнига 50 процент қўшимча ҳақ тўланади.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан, оилаликлар эса оилалар ётоқхонаси билан таъминланадилар.

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — Ошга ўртоқ, бошга тўқмоқ (фильм-спектакль). 12.20 — Қўшиқ ва рақслар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — Онамларнинг мактаби. 16.35 — Биз табиат билан танишамиз. 17.00 — Вальканинг элканлари (бадиий фильм). 18.15 — Горилчилар, қаердасиз? 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.25 —, Инсон ва қонун. 19.55 — «Спортлото» тиражи. 20.05 — Тинчлик ва социал тараққиёт учун. 20.20 — Капитан Немонинг сирли ороли (бадиий фильм, 1-, 2-серияллар). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Дўстларамиз чеҳраси. 23.15 — Концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Виталий Бианки (телефильм). 12.20 — Ўқувчилар бригадасида. 12.40 — «Кобра» операцияси (бадиий фильм). 14.05 — Фильм-концерт. 18.30 — Мультфильм. 18.50 — Қўғирчоқ театри. 19.20 — Мусобақа туфайли туғилган. 19.45 — «Ахборот». 20.00 — Партиянинг социал-иқтисодий программаси — амалда. 20.20 — Концерт. 21.00 — «Ахборот». 21.20 — Телетеатр. Г. Геерман. «Ҳалокат».

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун кинофильм. 19.25 — Ҳужжатли фильм. 19.35 — Нидо (телеспектакль). 20.40 — Тошкент янгиликлари. 20.55 — Концерт. 21.20 — Врач маслаҳати. 21.30 — Бош конструктор (ҳужжатли фильм, 2-серия).

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/VIII **Кўрмайин босдим тиконни.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4/VIII да **Жоним фидо.**

Кино

Бу Альпда бошланган эди — «МОСКВА» (11, 12.30, 14, 16, 17.30), «ЧАНКА», «ВОСТОК» (жуфт соатларда). «НУКУС» (тоқ соатларда).

Ау-у! — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда). «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Зита ва Гита — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Афсоналар ҳокимтуроф бўлганда — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

Чақирилмаган меҳмонлар — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Ф. Энгельс номли Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти коллективи институт инглиз тили фонетикаси кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори А. А. Абдуазизовга отаси

Абдумажид АБДУАЗИЗОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент мева-сабзавотчилик техникуми дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилоти техникумнинг бўлим мудири М. Мирсоатовга акаси

Миржалил МИРСОАТОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ахборот

НЕВА БЎЙИДА

М. Горький номли рус давлат драма театри коллективи бу йилги сафарини Нева дарёси бўйидаги кўркам шаҳар — Ленинградда ўтказдилар.

Театр санъаткорлари сафар гастролларини мазкур шаҳарда бундан 12 йил бурун ўтказишган эди. Сафар муносабати билан саҳналаштирилган М. Горькийнинг «Тубанликда» пьесасининг премьераси Ленинграддаги Пушкин номли академик театрида ўтказилди. Шу тариқа гастролга мўлжалланган саҳна асарларини намойиш қилиш бошланди. Инқилоб шаҳрининг санъатсевар томошабинлари тошкентликлар ижросида К. Симоновнинг «Қирқинчи докторча», Р. Болтнинг «Яшасин қиролича, Виат», А. Гельманнинг «Бир маҳлиё ҳужжати» ва бошқа асарларни томоша қилдилар. Сафар кезлари тошкентлик ва ленинградлик санъаткор ҳамкасблар ўзаро суҳбатларда маҳорат ва ижод бобида фикр юритдилар.

Н. ХОЛИҚОВ.

ЧЕВАРЛАР САФИГА

Бу йил шаҳардаги ҳунар-техника билим юртларини ўн минг ўғил-қиз битириб чиққан бўлса, энди улар ўрнига сентябрдан бошлаб 8—10 синфни битирган қарийб 14 минг ўқувчи кириб ўқийди.

5,85 ва 127-ҳунар-техника билим юртларини ҳам мингдан ортик қиз битириб чиқди. Бу чеварлик касбини эгаллаган ёшлар «Қизил тонг» ва «Малика» тикув фирмалари ва Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси, В. И. Ленин номли якка буюртмалар фабрикаларига йўлланма олишди. Чеварлар саҳифан жой олган ёш ҳунармандлар тикувчилик маҳоратини қунт билан ўрганмоқдалар.

С. СУЛТОНОВ.

ЖУРНАЛИСТ ХОТИРАСИ

— Биз Тошкентдаги А. Саидов номли кўчада истиқомат қиламиз. — деб ёзибди бир гуруҳ газетхонлар. Фарзанд-ларимиз кўчамизга номи берилган киши ўзи ким бўлган! — деб сўрашади. Уларнинг саволига жавоб қилсангизлар.

Арон Рибиевич Саидов журналист, матбаачи бўлган. Ёшлигиданок янги ҳаётни ёқлади, комсомол ва партия ишларида фаол қатнашди. Дастлабки коллектив хўжаликлар таркиб топишининг жонкуярларидан бири бўлди. А. Саидов ўз ҳаёти мобайнида партия ғоларининг пропагандисти бўлишга ҳаракат қилди. 1928 йилда Москвада Шарк меҳнаткашларининг коммунистик университетида таҳсил кўрди. Орадан кўп ўтмай, у, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг органи «Байроғи меҳнат» газетасининг редактори лавозимига тайинланди. 1936 йили Я. М. Свердлов номли коммунистик университетда журналистика сир-асрорларини чуқур эгаллади. Москвада ўқигандан сўнг республика Компартияси Марказий Комитети аппаратида ишлади. Улуғ Ватан уруши йилларида эса, «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталарини бирлашган нашриётига раҳбарлик қилди. Унинг номи республикамизнинг дастлабки журналистлари, матбаачилари қаторида тилга олинади.

Я. МОРДУХАЕВ.

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р. 14691. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 181.